O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 2000 йил, 8 сентябрь ✡ Жума кунлари чиқади № 33 (268) ✡ Сотувда эркин нархда

● Бугунги кунда ён-атрофимиздаги аҳволни теран англаган ҳолда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Лоқайдлик, бепарволик, беғамлик, ғофиллик иллатларидан халос бўлишимиз, доимо ҳушёр, огоҳ бўлишимиз зарур.

Ватан, эл-юрт қувончи, унинг ғам-ташвиши билан яшаш, эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш – ҳаётимизнинг маъно-мазмунига айланиши керак.

Ислом КАРИМОВ.

Фармон ва шарҳ

ЮРТ ОТАСИНИНГ БАҒРИ КЕНГ...

Республикамиз Президентининг «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармони шу куннинг энг муҳим, долзарб, ҳамма кутган ҳужжатидир. Унинг эълон қилинишидан мақсад бундан буён беҳуда қурбонлар бермаслик, қўшни давлатлар ҳудудига адашиб кириб қолган, оғир жиноятлар содир этишда бевосита иштирок этмаган шахсларнинг ўз Ватанига, ота-оналари бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиришлари учун яна бир имкон яратиб беришдир.

Шундай имкон, мана, яратилди ҳам. Республикамиз раҳбари ўтган йил қонли февраль воқеаларидан сўнг пойтахт жамоатчилиги билан бўлган учрашувлардан бирида кимки шу йўлга адашиб кириб қолган бўлса, тавба-тазарру қилса, уни кечиражагини бутун халққа эълон қилган эди. Айтиб ўтиш керакки, юртбошимизнинг бағри кенглигидан ўнлаб ёшлар ўз вақтида фойдаландилар. Уларнинг кўплари ҳозир ўзларининг соҳаси бўйича меҳнат қилиб, турмуш кечираётирлар.

Лекин душман осонликча таслим бўлмайди. У ўз домига илаштириб олган кимсаларни дўқ-таҳдид билан, куч ишлатган ҳолда таъсир доирасидан чиқармасликка ҳаракат қилади. Худди шу аснода ўтган йили Тожикистон Республикасининг тоғли туманида рўй берган фожеани эслатиб ўтиш кифоядир. Ушанда кирган кўчалари қанчалик хатарли эканини ўз вақтида пайқаб қолган 17 йигит ўз юртларига қайтмоқчи бўлганларида жаллодлар тўдаси уларни қувиб келиб бошларини таналаридан жудо қилган эдилар. Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши ҳам қай бир жиҳатдан ана шундай бахтсизликларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Ватан кечиримли бўлади, халқ кечиримли бўлади. Юртимиз раҳбари кечиримлидир. Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши юртимиз раҳбарининг ўз адашган фуқароларига нисбатан яна бир оталик ишончининг намояндасидир...

Ҳозир ҳамма жойларда Фармон қизғин қўллаб қувватланмоқда. Баъзи адашган кимсаларнинг яқинлари ўз жигаргўшаларининг Ўзбекистонга кириб келишлари орқасида хавф-хатар ётмасмикан, деган ўй-фикрларга ҳам бормоқдалар. Лекин Президент Фармонидаги «Ушбу Фармон мазкур шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши учун ҳуқуқий асос бўлиши белгилаб қўйилсин» деган банд бу масалада ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайди.

Президентимиз мазкур Фармоннинг ҳозир жамиятимиз учун нечоғлик зарур эканлигини АҚШда ўтказилаётган минг йиллик саммитига йўл олаётиб журналистларга қуйидагича изоҳлаб берди:

– Айниқса ёшлик йилларида бошқаларнинг таъсир доирасига жўда тез тушадиган одамлар бўлади. Уларнинг кўпчилиги ўз мақсадларига эга эмаслар, кўзлаган ғоя, ҳаётий позициялари йўқ. Бундай кишиларнинг ўз оилаларига, яқинларига бирон-бир яхшилик қилишдек тўғри ниятларидан фойдаланишиб, долларлар билан йўлдан уриб чалғитмоқдалар, қалбаки ғоялар билан қуроллантирмоқдалар. Экстремизм, ваҳҳобийлик, ҳизбут-таҳрир ғояларининг байроқдорлари олиб бораётган ишлар муқаддас ислом динига бутунлай ётдир. Бундай шахслар Ўзбекистон мустақиллигини таг-томири билан йўқ қилишга уринмоқдалар, халқимизни ўрта асрларда ҳукм сурган хурофот ботқоғига ботирмоқчи бўляптилар. Биз тақдир тақозоси билан тўғри йўлдан адашиб Афғонистон, Тожикистон ва бошқа давлатларга бориб қолган шахсларга тавба-тазарру қилган ҳолда ўз она юртига қайтиш имкониятини яратиб бердик. Улар пушаймон бўлганликларини кўкракларига муштлаб ёки кўз ёши тўккан ҳолда исботлашларига ҳожат йўқ. Фақат улар ўз Ватанларига, ота-оналари, қариндош-уруғларининг бағрига қайтиб, халқимиз қандай яшаётган бўлса, шундай яшайверсинлар.

Мазкур Фармон республикамизнинг қатор ҳуқуқтартибот идоралари билан бирга кенг жамоатчиликка, оддий фуқароларга ҳам маълум даражада масъулият юклайди. Ҳар биримиз йўлдан адашган, ҳали тарбияласа бўладиган кишиларни излаб топишимиз, уларни тўғри йўлга қайтариш устида кўп ишлар қилмоғимиз керак.

Бу нарса шунинг учун ҳам зарурки, йўлдан адашган шахсларнинг бир қисми республикамиз ҳудудидан ташқаридадирлар ва уларга инсонпарварлик руҳи билан суғорилган мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини тезроқ етказиш шу кунларнинг долзарб, кечиктириб бўлмас вазифаларидан бири бўлиб қолаётир.

«Туркистон-пресс»

Президент Фармонини ўқиб

ЮРТБОШИМИЗ КЕЧИРДИЛАР

Ҳеч кимсани отмаганни,
Қўли қонга ботмаганни,
Ватанини сотмаганни,
Юртбошимиз кечирдилар.

Ҳувиллаб хонадонингиз,
Зор кутар онажонингиз,
Кафолатланган жонингиз,
Юртбошимиз кечирдилар.

Ватангадо бўлмангизлар,
Бемаҳалда сўлмангизлар,
Итдай хор-зор ўлмангизлар,
Юртбошимиз кечирдилар.

Ҳали ҳам кечмас, келингиз
Кечиримлидир, элингиз.
Ойдин бўлсин йўлингиз,
Юртбошимиз кечирдилар.

Азамат СУЮНОВ.

Ҳушёрликка даъват

ЖАҲАННАМГА ЙЎЛ ТОРТГАНЛАР

1. МОЗИЙДАН САБОҚ

Дунёни қачон яратилганлиги тўғрисида ҳанузгача аниқ маълумотларга эга бўлмаганмиз. Лекин, ҳаётнинг ибтидоси, тарихнинг инъикоси яқин ўтмиш замонларда бизни кўп воқеа ва ҳодисалардан бохабар қилиб келган. Узоқ ўтмишга саёҳат қилмайлик-да, динлар дунё юзини кўрган кунларни бир эслайлик: у ҳар хил халқлар, миллатлар ўртасида ўзининг мавқеи билан турлича шаклланиб келган.

Ислом динини нозил бўлиши, унинг бошқа динлардан умуминсоний қарашлари билан ажралиб туриши тарихий-тарбиявий салоҳиятга эга. Исломшуносларнинг эътироф этишларича, 72 пайғамбар ўтган экан. Шулардан энг сўнггиси Муҳаммад Алайҳисалом бўлган.

Лекин ўз ўтмишига кўра ислом динини ер юзига келиб бир қанча адолатсизлик ва қаҳри қаттолликларга учраб келгани тарихий ҳақиқат. Биз тарихий манбаларга назар соладиган бўлсак, ўтган замоннинг буюк зотлари деймизми ёки пайғамбарлари даражасига етган шахслар деймизми, ёвуз ниятли кишиларнинг қора қилмишлари билан номлари бадном қилинишга ҳаракат қилинган. Ҳамманинг тилига тушган Иброҳим Адҳам, Юсуф каби бошқа пайғамбарлар ана шундай ноҳақлик ва адолатсиз кўргиликларни бошларидан ўтказишган. Муҳаммад пайғамбарнинг ислом динини ёйишдаги саъй-ҳаракатлари, насронийлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, курашлари таг заминида ҳурлик, озодлик, адолат учун кураш ва яшаш жабҳалари ётади. Бугунги кунда ер юзининг аксарият тараққийпарвар кучлари Ислом ғояларининг устивор йўналишларини тан оладилар.

Жаҳон адабиётининг намоёндаларидан бири Абулқосим Фирдавсий Ўрта Осиё ва Хуросонда юз бераётган тахт талашишлар, синфий курашларни фалсафий-мафкуравий устқурмасини ўзида инъикос этиб дейди:

Замона бошида оёқ жанг эди,
Тожу тахт деганда жаҳон танг эди.

Алқисса, «Шоҳнома»дек буюк эпос асарига ўттиз беш йиллик умрини бағишлаган шоир дунёни англамаслик балосига йўлиққан кимсаларнинг қаҳри ила зиндонбанд этилиб, адолатсизликка юзланади.

Ёки, шайх Ҳўжа Аҳмад Яссавий динни ниқоб қилиб, нафс балосига панжа уриб, тубанликка юз тутган унсур дин пешволаридан нолиб қуйидаги муножатни сўзлайди:

Аҳли дунё охиратдин парвоси йўқ,
Руҳи танҳо-имон ислом ҳамроҳи йўқ.
Тариқат йўл адашган ҳеч парвоси йўқ,
«Банда мен», – деб тили бирла оғзи бўлгай.

Агар жоҳил баъзи пешволар ҳасад ўтида қолмаганида эди «Оллоҳга ширк келтириш» деб Алфарғонийдан бошлаб Ибн Синою, Мирзо Улуғбек каби кўплаб олиму, донишмандларнинг ноёб, дурдона асарлари Франция, Англия каби тараққиёт йўрғагида турган давлатларга совға қилинмас эди... Аслида уйғониш, тараққий илм-фани Туркистонда, Мовароуннаҳрда, аниқроғи ўзбекларда қуртак ёйиб гулчаманга айланган эди.

Мустақиллик шарофати ила аждодларимизнинг нодир асарлари халқимизга давлатимизнинг катта хазиналари эвазига қайтариб келинди. Мана сизга жоҳиллик ва ғаразгўйликнинг халқимиз, давлатимиз бошига келтирган «мукофотлари». Кўриниб турибдики, ўша пайтларда ҳам турли диний оқимлар пайдо бўлиб, одамларни нурли йўлдан тойдириб келган.

2. КЕЧАГИ КУНИМИЗ

ХХ асрнинг 90-йилларигача собиқ Иттифоқ давлатида диндорларнинг саъй-ҳаракатлари таъқиқланди. Бу эса динлар ўртасида турли беўхшов оқимларни куч олиб, бош кўтаришига кишан эди. Биргина Ўрта Осиё минтақаларига назар ташлаб гапирадиган бўлсак, атиги Бухородаги «Мир Араб» мадрасасигина мусулмонларнинг бирдан бир ўқув юрти ҳисобланарди. Мадрасада ўқишга кириш эса ҳукумат томонидан назорат остида бўлиб келган. Мумтоз анъаналаримиз занжирбанд эди.

Собиқ Иттифоқда қайта қуриш бошланиб ҳурлик, озодликнинг майин ёллари ҳар томонга эса бошлади. Натижада диний эркинлик ҳам эътибордан четда қолмади. 1991 йилда Иттифоқнинг пароканда бўлиб кетиши Иттифоқдош республикаларни бирин-кетин мустақил бўлиб, дунёга ёйилиши дин ва диндорларга бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгартирди. Таъкидлаганимиздек, тарихий мумтоз анъаналаримизга эришдик. Маънавий-маданий меросимизга қайта баҳорий кўз билан қаралди. Мусулмон-ислом илмининг шайхи султонлари Ат-Термизий, Имом-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбандий, Ҳўжа Аҳмад Яссавий, Зангиота каби улуғ аждодларимизнинг обидалари тикланиб, асарлари нашр эттирилиб, руҳлари шод этилди. Бу – буюк ҳурлигимизнинг шарофати, қолаверса, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг одилона, адолатли сиёсатлари, саъй-ҳаракатларининг дебочаси эди...

Эндиликда Ўзбекистондаги осойишта ҳаёт, тинчликни кўролмайдиган, исломни ниқоб қилиб олган галамислар, турли пароканда оқимларга берилиб, пати юлинган товуқдек пана-панадан тош отишмоқда.

Марказий Осиёга «Ваҳобийлик», «Хизбут-таҳрир» каби оқимлар қаердан кириб қолди? 1991 йилда Тожикистоннинг ўша пайтдаги рахбари мамлакатда соғлом ҳаёт, тинчлик учун фидойилик қилганида мамлакат, халқ тақдирига лоқайд бўлмаганида эди, нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки Россия мамлакатларидаям бу хавотирли оқимлар бош кўтармаган бўлурди. Халқимизда: «Бирники мингга, мингники туманга» деган гап бор. Бу оқимларнинг таг заминида катта террорчилик ётибди.

- *Ғаразгўйлик замиридаги мақсад*
- *Ақидапарастлик соясидаги қўпорувчилик*
- *Риё ва ҳақиқат*
- *Миллат ғурури*

Лоқайдлик ўз оёғига болта уриш билан баробар. Душанбе шаҳридаги «Шоҳидон» воқеалари, ҳокимият учун талашишларнинг оқибати тожик халқи бошига тушган биродаркушлик ажалини ёғдирди. Бу уруш минтақада мамлакат, халқ иқтисоди, маънавий, маданий инқирозини юзага келтирди. Пировардида мамлакатда тараққиёт омилларининг илдизлари қирқилди.

Мақсадсиз уруш бегуноҳ кишиларнинг ёстиғини қуритди. Кўплаб фуқароларнинг тинчи бузилди, баъзилар ватанпарварликни насия қилиб, ўз тинчларини ўйлаб Россия, Қозоғистон, Ўзбекистондан бошпана топдилар. Лекин ҳар бир мард инсон ўз ватанининг қалқони бўлмоғи керак. Она-Ватанини душманга тутқазиб қўйган одамлардан бадбахти йўқ, дунёда. Ватан душманга юзма-юз чиқиб, кўкрагини қалқон қилган кишиларнигина бағрига босади, фарзандим дея ардоқлайди...

3. АҚИДАПАРАСТЛИК МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИ

Қадим замонларда бир нодон билан доно дўст тутинибди. Кунлардан бир куни улар баҳслашиб қолибди. Нодон ўз фикрини ёқламоқчи бўлиб дебди: «... ер юмалоқ эмас, балки яп-алоқ...».

Ақидаларга кўр-кўрона ишонувчи, мақсадсиз нарсаларга ёпишиб олган кишиларни догматизм тарафдорлари, десак адашмаймиз. Яна бир томони уларни маълум бир маънода анархистлар, десак ҳам хато бўлмас. Яъни, сиёсий қарашни, курашнинг зарурлигини, ҳаракатлари давлат ҳокимиятини инкор этувчи, майда ижтимоий-сиёсий оқим. Иккинчи кўчма маъноси — бошбошдоқлик, ўз зўравонлигини кўрсатувчи мақсадсиз ҳаракат.

Ақидапарастлик миллат танламайди. Давосиз дардек ўтиб кетаверади.

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистоннинг дунё олдидаги салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Бундан ҳасадга тўла аламзадалар эса зўр бериб тинчлигимизга, барқарор ҳаётимизга, яратилаётган соғлом муҳитга раҳна солишга уринишмоқда. Лекин Ўзбекистоннинг кўрғонлари мустаҳкам. У она заминини, бағри меҳрга тўлган кишиларини ҳамиша ардоқлайди, ҳимоя қила олади. Дафъатан, Ўзбекистон ана шундай қудратли кучга эга.

Сурхондарё вилоятининг Узун, Сариосиё ҳудудидаги еттита тоғ қишлоғида уя қурган қўпорувчи газандалар йўқ қилинди. Барқарорлигимизга таҳлика солаётганларнинг риёкорона қисмати ана шундай яксон қилинишини ақидапараст террорчилар билиб қўйишсин! Шоир ҳазратлари яхшилик ва ёмонлик ҳақида қуйидаги саодатли байтни битган эдилар:

Ҳар кимки вафо қилса,
вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса,
жафо топқусидир.
Яхши киши ёмонлик
кўрмаган ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса,
жазо торткусидир.

Август воқеалари халқимизни яна бир бор ҳушёрликка қатъий даъватини оширди. Сергаклик ва ҳушёрлик керак бўлса ҳар соония, ҳар бир дақиқа бўлмоғи шартдир.

4. РИЁ ВА ҲАҚИҚАТ

Ҳисор тоғ тизмалари Тожикистоннинг Душанбе шаҳридан бошланиб, республикамизнинг Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Бандихон, Бойсун, Шеробод... токи Туркманистоннинг Келеф ҳудудларигача бўлган узоқ географик кенгликларга чўзилиб кетган. Тоғ тизмасининг энг баланд чўққиси денгиз сатҳидан 1800-2000 метрни ташкил этган қисми Сариосиё, Узун, Денов ҳудудида жойлашган. Бу ҳудуддаги тоғлар ям-яшил арчазорлардан ташкил топган бўлиб, гўё Россиянинг беполён ўрмонларини эслатиб туради. Шу боисдан ҳам ушбу ҳудудни суптропик иқлим деб юритиладиган. Бундай жойлар қўпорувчиларни уя қуришига мос келган кўринади, чоғи.

Узини «Дунёвий мухолифат» раҳбарларидан бири деб атаган Тоҳир Йўлдош шу йилнинг 8 августида «Би-Би-Си» радиоси мухбирига телефон орқали узатган интервьюсида «Бугун жангчиларимиз жиҳод ҳаракатини бошладилар...» дейди.

Мухбир:

— Мухолифат кучлар орасида афғон, чечен ва бошқа миллатга мансуб кишилар борлигини қандай баҳолайсиз?

Тоҳир Йўлдош:

— Жангларда фақат ўзбек йигитлари иштирок этмоқда...

Тоҳир Йўлдош риё нима, ҳақиқат нималигини яхши билади. Бироқ, у ҳақиқатнинг кўзига чўп суқишни яхши кўради. «Би-Би-Си»нинг адолатни ёқловчи баъзи адолатсиз мухбирлари эса чўпчакчининг чўпчагига лаққа тушиб лойдан қарсилдоқ ясашни яхши кўришади. Қўпорувчи кучлар орасида қандай кучлар борлиги республикамизнинг тийрак кўзлиларига аён. Риё эмас ҳақиқат енгади.

«Би-Би-Си»нинг яна бир эшиттиришига эътибор қилайлик. Унинг Тожикистондаги мухбири 9 августда тарқатган хабарида мухолиф кучлари Тожикистон орқали Ўзбекистон ҳудудига кириб келишида Тожикистоннинг хабари йўқ, дейди ва Тожикистон ҳукумати баъзи раҳбарлари суҳбатларини узатади. Аслида эса иш бошқача кўчган. Аммо ҳар қандай ёлғон уч кун ўтиб кўзиқориндек чиқиб қолишини ўйлашмайди.

Қизиқ, агар жангариларга Тожикистондан ўтишга йўл берилмаганда эди, улар қуш бўлиб тўғри Сурхондарё вилоятининг шимолий минтақасини танламаган бўлурди. Шундай эмасми?!..

Тожикистон хавфсизлик хизмати раҳбарларидан бири Ҳакимжон Муҳаббат матбуот орқали тарқатган хабарида «Ислом жангарилари» Ўзбекистонга Тожикистон орқали кириб қолганини яқинда тан олади. Бу фикримизнинг яна бир исботи — Россия чегарачиларини Тожикистоннинг Шаҳритуз тумани чегарасида Амударёдан қайиқлар орқали сузиб келаётган 40 нафар босқинчиларга қаршилик кўрсатгани ҳақиқатга ойдинлик киритади.

Тўғри, ҳозирги матбуот чиқишлари эркин ва озоддир. Бироқ ҳар қандай озодликниям, эркинликниям чек-чегараси бор. «Би-Би-Си», «Озодлик» радио эшиттиришларида воқеа ва ҳодисаларга бир томонлама таҳлилсиз қарашлар, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ён босишлар бор. Уларнинг чиқишларида кишини саросимага солиб қўядиган ёлғон чиқишлари ҳам йўқ эмас. Хўш, уйдирма эшиттиришлардан кимлар манфаатдор бўлиши мумкин? Шошма-шошарлик, воқеалар ичига кириб бормаслик, унинг атрофида миш-мишларга суяниб иш тутиш ҳозирги матбуотчиларимизнинг ҳуснига доғ бўлиб тушмасмикин?! Лекин чет эллик айрим журналист биродарларимиз ўз фаолиятларида ҳамон азалий уйдирмачилик хислатларини сақлаб қолган кўринишади.

Тарих миямизга мардлик ва мангулик ҳақиқатини муҳрлаб кетган. Ўзга юртларга ёмон ният билан келган кимсаларнинг кечмиши доим мағлубият билан якунланган. Қадимги массагетлар Эроннинг Кир босқинчиларига қарши курашиб, душманни мағлубиятга учратган қаҳрамон Тўмарисни эсланг. Тўмарис душманнинг устидан галаба қозонар экан, Кирнинг бошини қон тўлғизилган мешга тиқаётиб шундай дейди: — «Эй номард, сен жангда ҳалоллик билан енгиб чиққан бир аёлни маккорлик-ла ўғлидан жудо қилиб, фарзанд доғида қуйдирдинг. Мен ўз онтимга амал қилиб сени қон билан суғордим... Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу!» Турли минтақаларда содир бўлган босқинчилик урушлари, босқинчиликлар адолат мезонлари билан ўз ечимини топиб келган.

5. САОДАТГА БОШЛОВЧИ ЙЎЛ

— Ўзбекистон — Ватаним маним! Шу юртда туғилиб, камол топдим. Ўзбек санъати туфайли «халқ артисти» деган шарафли ном қозонганман. Бир неча йилдирки, тақдир тақозоси билан Исроилда яшаяпман. Лекин, юрагимнинг томир уруши Ўзбекистон ҳаётидаги билан. Мен Тошкентимизни бу қадар гўзаллашиб қолганини кўриб ҳайратда қолдим. Кўзим бир нарсани аниқ кўраяпти, Оллоҳ насиб айласа Ўзбекистон иккинчи Америка бўлиб қолади, — дейди Муҳаббат Шамаева.

Гапирсак гапирадиган гапларимиз бир дунё. Саодатга бошловчи йўл эса битта. У ҳам бўлса маърифатдир. Дунёни маърифатли кишиларгина ҳаҳолатдан қутқаради. Ана шу нуқтаи назардан ҳаётнинг барча жабҳаларида мамлакатимизда тилга олиб гапириладиган арзигуй ишлар кўп. Биргина маориф соҳасини олиб қарайдиган бўлсак, ўқув юртлари ва мактабларни ислоҳ қилишда яхши самараларга эришилди. Улар дунё андозалари даражасига тенглаштирилди. Талабалар-ўқувчилар замонавий техник жиҳозлар билан безатилган хоналарда таҳсил олишади. Президентимизнинг Тошкентда Ислом университетини ташкил этиш тўғрисидаги имзолаган қарорлари мусулмон оламида хайрли ишдир. Бир неча йилдирки, мамлакатимиз ёшлари ривожланган давлатларда билим олиб қайтишмоқда.

Хуллас, буюк келажак сари ташлаган қадамимиз жаҳонга мубораклигини кўриниб қолди.

Биз уйғондик. Ўзбеклар уйғонди. Ғафлат уйқусини бутунлай тарк этиб, янада ҳушёр бўлиб қолдик.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Турсун МАҲМАДАЛИЕВ.

ДУНЁДА ТИНЧЛИК УСТУВОР БЎЛСИН

– Марказий Осиёда тинчликни, барқарорликни сақлаш, одамларнинг аҳиллигини сақлаш мен учун энг муҳим масаладир, – деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг минг йиллик саммитида иштирок этиш учун АҚШга учиб кетиш олдидан журналистларга берган интервьюсида.

Мамлакатимиз раҳбари 115 та давлат раҳбари иштирок этаётган саммитни ўтказишдан асосий мақсад БМТ ташкил этилганидан буён унинг фаолияти сарҳисоб этилиб, янги минг йилликка қандай қадам қўйилади, келгуси асрда БМТнинг устивор мақсадлари нималардан иборат бўлиши керак, деган масалалар кун тартибидан ўрин олишини таъкидлади.

Президентимизнинг эътироф этишича, Ер юзида яшаётган 6 миллиарддан зиёд инсонларнинг ҳаётини яхшилаш, дунёда уруш деган сўзни бутунлай йўқ қилиш, одамларни фаровон ҳаётга чорлаш учун анжуман иштирокчилари шу масалага ўз қарашларини билдиради. БМТнинг фаолиятида урушларнинг олдини олиш, бошланган урушларни тўхтатиш, умуман хавфсизлик ва тинчлик масаласи асосий ўрин тутади. Айни чоғда дунёда қанчадан-қанча қашшоқ халқлар, давлатлар мавжуд бўлиб, юз минглаб, миллионлаб ёш болалар очликдан нобуд бўлаётганини назарда тутсак, БМТ фаолиятининг кўп қирралари заиф бўлиб турганига амин бўламиз, деди Президент. Маълумки, БМТ ўзининг эллик йилдан зиёд фаолияти давомида кўплаб халқаро зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилди, лекин бугунги давр унга янги талабларни қўймоқда.

БМТ таркибини қандай ўзгартириш масалалари ҳам ушбу саммитда кўрилиши керак. Президентимиз айтишича, бугунги кунда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари АҚШ, Хитой, Россия, Буюк Британия, Франция бўлиб, жаҳонда тинчликни сақлаш бўйича салмоқли фаолият кўрсатаётган мамлакатларни ҳам шу ташкилотга доимий аъзоликка қабул қилиш вақти келди.

(Давоми 3-бетда).

Дил изҳори

ОЛЛОҲИМДАН СЎРАЙМАН

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг III сессиясида йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг маърузасини «ойнаи жаҳон» орқали эшитар эканман, Ватан ҳимояси учун ўз жонини қурбон қилган ўғлоннинг онаизори йўллаган мактубни Президентимизнинг ўзлари халққа ҳавола қилар экан, менинг бутун вужудимни титроқ босиб, кўзимдан ёш қалқди ва қўлимга қалам олиб ушбу мисраларни битдим:

Буни ёзишга қалам,
Кўп оҳизлик қилади.
Оламнинг сўз бойлиги,
Бунга камлик қилади.

Элим қаро кўзлари,
Қонли ёшга тўлганди.
Жангда бегуноҳ ёшлар,
Ватан дебон ўлганди...

Юртбоши алам билан,
Фарзанд доғида куйган,
Она хатин ўқиркан
Ёнди қалб ҳаяжондан.

Қаро кўзларга бир зум
Ғамли нигоҳ соя солди.
Нуроний чеҳрасида,
Аламли дард уйғонди.

Титроқ овоз, дил сўзлари,
Қалбим узра кезарди.
Бу жудолик нолалари
Юрак бағрим эзарди.

Она мингдан-минг рози,
Устирган фарзандидан.
Таъзимда эл-устози,
Ватаннинг дилбандидан.

Бундай ҳолат мот этарди,
Ҳар қандай зот юрагин.
Буюк халқим кутарди,
Йўлбошчисин тилагин.

Унинг ғамли қарашида,
Бор эди чексиз алам.
Фарзанд доғи олдида,
Тор эди унга олам.

Изтиробда эди унинг
Бор вужуди, бор тани.
Жон берганку шу ўғлон,
Асрайин деб Ватанни.

Ўқир экан онаизор,
Дил сўзларин йўлбошчи.
Унинг нурли кўзларидан,
Оқарди ёш томчи-томчи.

Гўёки у ажрагандек,
Ўз жигарпорасидан.
Ҳат ҳам гўё ёзилган,
Ўз туққан онасидан.

Ватан учун жон берган,
Ўғлон қани тирилса.
Юртдошлар изтиробин,
Ўз кўзи билан кўрса.

Онаизор нолалари
Вужудимни қамради.
Юртбошининг бу нидоси,
Олам кўзин намлади:

«Ўғлоним, сен тирикдурсан
Токи олам бор экан.
Ҳар бир фарзанд қалбда яшар,
Шу юрт учун жон берган.

Билиб қўйгин эй, жаллод,
Сени омон кўймаймиз.
Қасос олинмагунча,
Сенга тинчлик бермаймиз.

Кўзингни оч вақтида,
Йўқса тирик қолмайсан.
Халқнинг қаҳрига учраб,
Ёруғ ерда юрмайсан.

Ўзбек элим, сен қара,
Қандай зўр йўлбошчинг бор.
Шу инсон буюклигин,
Фикр қилу билиб ол.

Оллоҳимдан сўрайман,
Унга узоқ умр бер.
Керак бўлса гар агар,
Мендан олиб, унга бер.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ,
техника фанлари доктори,
профессор.

«ОБУНА — 2001»

Шу йилнинг 15 сентябридан 2001 йилга «Адолат» газетасига обуна бошланади. Газетанинг нашр кўрсаткичи — 100. «Адолат»га обуна бўлишни унутманг! У Сизнинг энг ишончли ҳамроҳингиз бўла олади.

Партия ҳаёти

МЕҲР-МУРУВВАТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Ҳаётда байрамлар кўп. Аммо уларнинг орасида Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами алоҳида ажралиб туради. Негаки, Мустақиллик боис халқимизнинг асрий орзулари юзага чиқди, қадди ғоз бўлди. Ўз қадр-қимматини топди. Дунёда Мустақилликдан ҳам улуғ неъмат — улкан саодат йўқлигини унинг ҳаётбахш нурлари қалбларимизни нурафшон айлаганда англай бошладик. Бугун унга етганлар бор, етмаганлар бор. Мана 9 йилдирки, бу айём биз учун байрамларнинг гултожисига айланган, қалбларимизнинг тўридан жой олган. Унинг шодиёналари Ўзбекистондек келажаги буюк давлатнинг, имкониятлари улкан мамлакатнинг бой ютуқлари билан янада ўзгача файз-тароват бахш этмоқда.

Куни кеча Тошкентдаги «Маркос» ресторанида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси билан ҳамкорликда байрам шарафига «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» мавзуида учрашув ўтказди. Унда кенг жамоатчилик, Партия Сиёсий Кенгаши котиблари, аъзолари, партия фаоллари ва хайрихоҳлари, туман, шаҳар партия Кенгашларининг етакчилари ва жамғарма вакиллари, оммавий-ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Аввало шуни алоҳида эътироф этиш зарурки, Мустақиллик Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси учун жуда қадрли ва беқиёс аҳамиятга эга. Партия Мустақилликнинг сермаҳсул меваси бўлди. Халқнинг ҳоҳиш-иродаси билан ташкил этилиб, мамлакатимиз сиёсий майдонига янги куч сифатида кириб келди. Эл орасида танилиб тилга тушди. Мустақилликнинг ўтган даврида ўз мавқеига эга бўлиб ватан равнақи йўлида талай ишларни амалга оширди ва ошириб келмоқда. Дунёда Адолат деган номнинг улуғлигини, унга эришиш учун адолатли йўл тутиб, халқнинг ичига кенгроқ кириб бориш, адолат тамойилларини қарор топтириш, ўз Низоми ва Дастурига мувофиқ фаолият кўрсатиб, Ўзбекистоннинг буюк келажагига хизмат қилишни ўзининг мақсад-муддаосига айлантирган партия тобора янги куч-қувват тўплаб мавқеини мустаҳкамламоқда. Шу билан биргаликда турли хил жамоат ташкилотлари билан ҳам янада яқин алоқаларни йўлга қўймоқда. Зеро, ҳамкорликда ҳикмат кўп, деб бежиз айтилмаган. Ҳамжиҳатлик билан узоқни ўйлаб қилинган ҳар бир иш ютуқ ва имкониятларни кенгайтиради. Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси ҳам бу борада яна бир қадам қўйди. Партия билан жамғарманинг яқинлашуви

йўлидаги дастлабки ишларни бошлаб юборди. Унинг амалий натижаси сифатида партия билан биргаликда айём тадбирини ташкил этиб, қатнашчиларининг қалбига чексиз завқу-шавқ улашди. Уларга байрам совғаларини топширди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов, ёзувчи Олим Қўчқорбеков, Янгийўл шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Аваз Қосимов ва бошқалар айём қувончларини ўзаро баҳам кўришиб, янги амалий ҳамкорликни қизғин қўллаб-қувватладилар.

«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасининг таниқли хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Ўдаева, 1- Тошкент Давлат тиббиёт институти қошида саккиз йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Жасурбек Ризаев бошчилигидаги «Умид» гуруҳи санъаткорлари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан қатнашчиларнинг қалбига қувонч улашдилар.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири.
СУРАТЛАРДА: байрамдан лавҳалар.
Эркин БОТИРОВ олган суратлар.

Ажаб савдолар

«ЗАПРАВКА»ГА КИРДИНГИЗМИ, 200 СЎМ ТЎЛАЙСИЗ

Лекин хизмат сифатига кафолот беролмаймиз, дейишди «Интераоил» ёнилғи қуйиш шоҳобчасидагилар

— Ҳурматли таҳририят! Мен Беруний майдонида жойлашган ёнилғи қуйиш шоҳобчасидан бензин оламан. Чунки тўғри қуйишади. Яъни, уриб қолишмайди.

Аммо хизмат ҳақига негадир 200 сўм қўшимча ҳақ олишади. 10, 20, 30 литр бензин олган ҳам шунча пул тўлаб қўйиши керак. Бу нимаси? Ёки шундай қонун борми?

Ж. ИСЛОМОВ,
Собир Раҳимов тумани.

Биз хатда келтирилган фикрлар ҳақиқатга қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини ўрганиш мақсадида «Интерако-С» фирмасининг Беруний майдонидаги «Интераоил» ёнилғи қуйиш шоҳобчасида бўлдик.

Бензин олгани келган машиналарнинг кети узилмайди. Норғул йигитлар келган машиналарнинг ойналарини улгургунича наридан-бери артиб қўйишмоқда. Қўлларидаги дока матолар қоп-қорайиб кетган. Агар машина ойнаси тоза бўлса пулингизга ифлос қилиб беришлари ҳеч гап эмас.

Ҳар бир «колонка» олдида битта йигит ўтириб, пулни санаб оляпти-да, олдидаги ҳисоб машинкасидан иккита чек олиб, оёғининг тагида турган пластмасса қутичага шартта ташлаб юбормоқда.

Бензин олувчиларнинг айримлари билан суҳбатлашамиз:

— Мен, — дейди мижозлардан бири, — Ақмал Каримов бўламан. Ўзим Чилонзорда яшайман. Шундай бўлса-да, кўпинча шу ердан бензин оламан. Тўғри қуйишади. Аммо хизмат ҳақлари қиммат. Масалан, ҳозир 10 литр бензин олдим. Шунда ҳам 200 сўм тўлашга мажбур бўлдим.

Разм солиб турган эдик 10R 4884 давлат рақамли «Жигули» машина шундай келиб тўхтади-да, навбат бўлмагани учун бензинни олиб чиқиб кета бошлади. Уни тўхтатиб сўрадик:

— Қанча ёнилғи олдингиз?

— 20 литр.

— Қанча тўладингиз?

— 2500 сўм. Нима эди?

— Кузатишимизча, сизнинг машинангизнинг ойнасини артишмади-ку! Аммо хизмат ҳақини тўлиқ олишибди.

— Нима ҳам дердик. Бунақаси тез-тез бўлиб туради. Иложимиз қанча. Ишқилиб кам беришмайдику. Шунисига ҳам шукр, — деди-да жўнаб кетди.

Биз шоҳобчада хизмат ҳақининг нега юқорилигини билиш мақсадида «Интераоил» идорасига кирдик. Лекин раҳбар йўқ экан. «Интерако-С» фирмасининг ижрочи директори Эркин Норқуловга қўнғироқ қилсак, гўшакни ҳеч ким кўтармади. Кассир-оператор Рустам Олланазаров билан учрашдик ва унга фикрларимизни айтдик. У:

— Ҳозир бошлиқ келиб қоладилар. Кутиб турингглар, — деди.

— Нега бензин ва хизмат ҳақи учун мижозларга чек берилмайди, — сўраймиз ундан.

— Ўзлари олишмайди-да! Бунақада бензин сифатсиз чиқса, сизлардан олганларини исботлай олмайдилар-ку. Унда нима бўлади?

— ....

— Олинадиган 200 сўмга қандай хизмат турлари кўрсатилишини билсак бўладими?

— Шундай қоғоз бор. Аммо у бошлиқнинг сейфида. Бироз кутинг, келсалар оласиз.

Начора бошлиқ Равшан Исмоиловни кута бошладик. Шу орада машина ойнасини артувчилар қўлида янги дока матолар пайдо бўлиб қолди. Лекин орадан икки ярим соат ўтса ҳамки, бошликдан дарак бўлмади. Ниҳоят, Рустам Олланазаров бир йигитни бошлаб келиб:

— Мана бу смена бошлиғи бўлади. 200 сўм учун қандай хизмат турлари кўрсатилиши ҳақидаги ҳужжат шунда, — деди.

Йигитнинг қўлидаги қоғозга кўз югуртирамиз. Унда ёзилишича, ҳайдовчи менга шунча литр бензин беринг, деб пул тўлагани учун 30 сўм чўзиб қўйиши керак. Бензин қуйиш 47 сўм туради. Ойна артиш ёки артмаслик 90 сўм. Ҳаммаси 167 сўм бўлади. Кейин харидор 33 сўм қўшимча қиймат солиғини ҳам тўлаб қўйиши зарур. Ҳаммаси — 200 сўм. Ёнилғи қуйиш шоҳобчасига кирдингизми шуни тўлашга мажбурсиз, тамом вассалом!

Биз деярли бир километрча наридаги «Ал-барака» фирмасига қарашли 1-сон ёнилғи қуйиш шоҳобчасида ҳам бензин беришда шундай хизмат кўрсатилаётганига кўзимиз тушганди. Вазият билан яқиндан танишиш мақсадида у ерга ҳам бордик.

Ҳамма ёқ тартибли. Зарур ҳужжатлар кўринарли жойга осиб қўйилган. Харидорлар хурсанд. Чунки бу ерда ёнилғидан уриб қолмай тўлиқ қуйиб бериш билан бирга хизмат ҳақи учун 100 сўм олишяпти. Бунинг устига фақат машина ойналарингигина эмас, автомобиль устки қисмларини ҳам тозалаб қўйишмоқда.

— Нега сизларда қўшниларингиздагидан хизмат ҳақи икки баробар кам. Зарар кўрмайсизми? — сўраймиз фирма раҳбари Асатилла Ҳикматуллаевдан.

— Беш қўлни оғизга тиқиш ярамайди. Ишчиларимиз ойига 22-28 минг сўмдан маош олишади. Ҳаммаси хизмат ҳақи устидан. Нолийдиган еримиз йўқ. Етиб ортади.

Бизга «Интераоил» кассир-оператори Рустам Олланазаров «Ҳаражатларимиз кўп, шунинг учун хизмат ҳақини ноиложликдан 200 сўм қўйганмиз», деганди. Унда бу ерда хизматчиларнинг маоши юқори экан-да, дедик-да аниқ маълумот олиш мақсадида яна «Интераоил» ёнилғи қуйиш шоҳобчасида бўлдик. Ҳайрият, шоҳобча раҳбари Равшан Исмоилов жойида экан. У бизнинг мурожаатимизга жавобан:

— Мен сизларга ҳеч қандай маълумот бера олмайман. Мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатномасини олиб келинг, — деди.

— Биз текширувчи эмасмиз, журналистлармиз, қолаверса биз сиздан битта маълумот, яъни ишчилар ўртача қанча маош олишади, шуни билмоқчимиз холос, — дедик.

— Рухсатномангиз бўлмаса, барибир бермайман, — деб туриб олди бошлиқ.

Биз «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9-моддасидаги «Журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга» деган сўзларни эслатдик.

Лекин Равшан Исмоилов:

— Мен ҳеч нарсани билмайман. Ходимлар маошининг қанчалигини билиш учун махсус рухсатнома келтириб, фирма бухгалтериясидан оласиз, — деб туриб олди.

Ана, холос...

Аммо ишчиларнинг ўзлари ойига 10 минг сўмга яқин маош олишларини айтишди.

Ана энди ўйлаб кўринг, ойига ишчиларга 22-23 минг сўм тўлаб, хизмат ҳақи учун 100 сўм олаётганларнинг ҳаражати кўпми, 10 минг сўмга яқин маош тўлаб, 200 сўм олаётганларникими?

Хуллас, кўриниб турибдики, бензин қуйиш шоҳобчаларида талайгина муаммолар тўпланиб қолган. Хўш, истеъмолчилар ҳуқуқини ким ҳимоя қилиши керак? Умуман, «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган хизмат кўрсатишга оид қоидалар барчага бирдек тааллуқли эмасми? Шахсий ёнилғи қуйиш шоҳобчаларида харидор ҳақидан шилиб қолишнинг бу каби антиқа усулларига мутасадди идоралар нима дейишаркин?

Каримжон РИХСИЕВ,
«Адолат» мухбири.

Қилмиш қидирмиш

ПАПИРОС ДАРДИ

Биз ўз ишимиз давомида турли тоифадаги жиноятчиларни учратамиз. Кимлардир адашиб, кимлардир қасддан жиноятлар содир этишади.

Самарқандлик Шавкат Салаев ўз рўзғорини обод қилиш учун ҳар не иш бўлса, тайёр турганлардан. Бироқ топган пули томоқдан ортмади. Бу аҳволда тирикчилик кечириш чорасизликдан бўлак нарса эмас. Ахир ўзбекчиликда тўй, маърака бор. Бир-икки сўмни ғамлаб қўймаса бўлмайди. Одамлар елиб-югуриб, пул топишмоқда. У-бу нарса олиб, Россияга қатнаётганлар яхшигина даромад кўришаётир.

Шу ҳаёл билан у тижорат йўлини танлашга аҳд қилиб, Россияга йўл олди. Москвага бориб, харидоргир нарсалар билан қизиқди. «Беломорканал» папиросилан сотиб олса, қанча даромад кўришини олдиндан чамалаб қўйган эди. Қайтиш чоғида «Киевский метро» бекати яқинида жойлашган тамаки дўконига кириб, шу париросдан 4016 пачка харид қилди.

Республикамизда бир пачка «Беламорканал» папиросининг баҳоси камида 125 сўм. У харид қилган молидан мўмайгина даромад кўришини кўнглига туккан ҳолда 231-Москва — Тошкент поездига чиқиб, юртига қайтди. Шавкат папиросларни поездга чиқишидан олдин божхона кўригидан ўтказиш лозимлигини билган бўлса, ажаб эмас. Бироқ камроқ ҳаражат қилиш мақсадида божхона баённомасини расмийлаштиришни ўзига эп кўрмади.

Поезд чегара пунктларидан текшириб ўтказилди. Шавкат ҳаммасидан муваффақиятли ўтиб келаётган эдию, бироқ «Бухоро-1» бекати божхона ходимлари анча ҳушёр экан. Уларни аврашнинг сира иложи бўлмади. Ш. Салаев божхона қонунларини бузганлиги учун шу бекатда туширилди.

Унинг устидан қўзғатилган жиноят иши Когон шаҳар судида кўриб чиқилди. Унга айб тўғри қўйилган экан. Судланувчи ўз қилмишига тўлиқ иқрор бўлди. Суд у содир этган жиноятнинг тавсифини, ижтимоий хавфсизлик даражасини, айбланувчининг ўз қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, бемор сифатида касалхона рўйхатида туришини ҳисобга олиб, қўлланиладиган жазони бир оз юмшатишни маъқул топди.

Ҳолбуки, Ш. Салаев содир этган жиноятига кўра, беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилиши керак эди. Бироқ унга нисбатан Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилиб, шартли жазо белгиланди. Ушбу ҳукмга кўра, судланувчига бир йил синов муддати берилиб, шу вақт мобайнида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари юзага келмаса, беш йилга озодликдан маҳрум этиш ижро этилмаслиги тайинланди. Унинг ҳулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш ички ишлар идораси зиммасига юклатилди.

Қонунни бузган қандай одам бўлишидан қатъий назар, жазога тортилиши шарт. Суд касалланиб, касалхона рўйхатида турган ва хасталиги сабабли ҳеч қаерда ишламаётган С. Салаевга нисбатан инсонпарварларча муносабатда бўлди. Бироқ қонунни бузганлиги учун тегишли жазодан бутунлай фориғ бўлгани йўқ. Суд ҳукми билан у харид қилган 502000 сўмлик папирос мусодара қилинди.

Б. ВОХИТОВ,
Когон шаҳар судининг судьяси.

Ажаб савдолар

ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИ КИМНИКИ? ОЛИБСОТАРЛАРНИКИМИ?..

Бозор — юрт кўзгуси, деб бежиз айтилмаган. Тўкин сочинлигимизу, фаровонлигимиз бозорларда ўз аксини топади. Мустақиллик йиллари Республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз бозорлар хусусида бир нечта Фармон ва Қарорлар чиқаргани ҳам бежиз эмас. Қаердаки, деҳқон бозорнинг эгаси экан, ўша жойда арзончилик бўлади.

Қайси бозорда шарт-шароит яхши бўлса бободеҳқон ўша бозорни ихтиёр этади. Хўш, Фарғона бозорларида Фармон ва Қарорларнинг ижроси қандай?

Вилоят ҳудудида йигирма битта деҳқон бозори мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси акциядорлик жамиятига айлантирилган. Бу жамиятларнинг аксарияти йилни фойда билан якунлаган бўлсада, берилган девидентлар миқдори унчалик кўп эмас. Жамики, ҳиссадорлик жамиятлари акциядорлари бор-йўғи 7 миллион 473 минг сўм девидент олишди, холос. Бозорларда савдони ташкил этишни белгиланган тартибларини бузувчи ва товламачилик билан шуғулланувчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатларига барҳам берилмаган. Айрим деҳқон бозорлари ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини туширишга, юклаш учун махсус майдонлар ташкил этилмаган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар билан савдо-харид идоралари ўртасида тузилган шартномалар қонун талаблари даражасида эмас. Санитария-гигиена қоидаларига амал қилинмаётир. Сотилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати, истеъмол хусусиятлари белгиланган талабларга мувофиқлаштирилмаган ҳолда кимёвий экспертизадан ўтказилмасдан сотишга йўл қўйилмоқда. Бир марталик патта йигимларидан тушадиган пул маблағларини, ўзлаштириш ҳолатлари содир этилаётганига нима дейсиз? Фарғона шаҳар деҳқон бозорида савдо ўринларини ижарага берилиши, улардан олинаётган тўловларнинг қонунийлиги ўрганилганда «Имкон» хусусий фирмаси раҳбари Ю. Алимов бозор маъмурияти билан ўзаро рақамсиз шартнома тузганлиги аниқланди. Унга асосан 6-сонли бинони фирма раҳбари савдо сотиқ ишларини амалга ошириб келиш мақсадида эгаллаб, ундан ўзи фойдаланмасдан, ўзбошимчалик билан ҳар бир квадрат метрини бир ойга 10 минг сўмдан ижара ҳақи тўлаш тўғрисида шартнома қилиб, 31 нафар тадбиркорга бериб юборган. Яна 19 нафар тадбиркордан эса шартнома тузмасдан ойига 10 минг сўмдан ижара ҳақи олгани ҳолда пул маблағларини ўз манфаатларига ишлатиб келган.

Бозор-бозорда, унга бой ҳам, гадо ҳам киради. Марғилон шаҳридаги «Қумтепа» бозорида ажиб ҳангома содир бўлди. Ўзини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан келган «текширувчи» деб таништирган, аслида Қирғизистон Республикаси фуқароси Ш. Нурматов «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси вилоятлараро координатори» деб ёзилган қалбаки гувоҳномани тайёрлаб ва ундан фойдаланиб фирибгарлик қилади. У паттачиларни катта миқдорда жарима солиш билан қўрқитиб паттачи И. Тураевдан икки минг сўм миқдорида пул талаб қилиб олаётганда қўлга олинди.

Риштон тумани деҳқон бозори паттачиси Н. Абдулҳамидов ҳам олгирлардан чиқиб қолди. У сабзавотлар павильонидан йигилган бир марталик 11 минг 670 сўм патта пулини бозор ғазнасига топширмай ўзининг шахсий манфаатлари учун ишлатиб юборади.

Айрим деҳқон бозорларида тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар талаблар даражасида эмас. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини деҳқондан арзон нархда сотиб олиб қайтадан ортиқча нархларда сотилишига йўл қўйилмоқда. Қиргули тумани деҳқон бозорида 140 нафар тадбиркор савдо қилаётган бўлишига қарамай, улардан 40 нафари махсус савдо ўриндиқлари билан таъминланмаган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини туширишга ва юклаш учун махсус жойлар ҳамда хизматлар ташкил қилинмаган. Маҳсулотлар очиқда, жазирама иссиқда сотилмоқда.

Бозор ичидаги ахлатлар учун махсус идишлар ўрнатилмаган. Бозорни ўз вақтида тозалаш йўлга қўйилмаган. Ўнлаб тадбиркорлар патта тўловларини тўламасдан савдо қилаётганлиги аниқланди. Хўш, бу бозор раҳбарининг масъулиятсизлиги эмасми? Қиргули деҳқон бозори раҳбари ҳукумат қарори моҳиятини қачон англаб етади?

Бешариқ деҳқон бозорида ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорликда ўтказган текширишда ҳам талайгина қонунбузарликлар аниқланган. Туманнинг Янгибаҳмал қишлоғида яшовчи Н. Ҳидиров тегишли ҳужжатлари бўлмаган ҳолда 90 та тарвузнинг ҳар бирини 70 сўмдан олиб, 120 сўмдан сотгани аниқланди. Шунингдек, Бешариқ шаҳар Охунбобоев кўчасида яшовчи О. Кимсанов, Кўлол қишлоғида яшовчи А. Мирзаевлар ҳам полиз маҳсулотларини арзон олиб, қимматига сотаётганда сирлари фош бўлди.

Олтиариқ деҳқон бозори савдо тадбиркорлиги билан шуғулланувчи О. Норимов 500 килограмм, М. Ибрагимов 600 килограмм қовунни, А. Исоқов эса 1500 килограмм тарвузни тегишли тартибда кимёвий экспертизадан ўтказмай сотаётганини бозор масъуллари нега кўриб кўрмасликка олади? Еки тиллари қисиқми? А. Йигиталиев сотаётган 300 килограмм қовун текширилганда таркибидаги нитрат миқдори 71 мг/кг-лиги аниқланиб, истеъмолдан олиб ташланди.

Боғдод тумани деҳқон бозори қошидаги савдо харид идораси тумандаги Ж. Турғунов номли фермер хўжалиги, «Сойибжон» номли фермер хўжалиги билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қабул қилиб олиш ҳақидаги шартномалар шартлари бажарилмаётир. Бувайда, Ўзбекистон деҳқон бозорларидаги аҳвол ҳам ташвишли.

Вилоят прокуратураси идоралари томонидан бозорлар фаолиятига доир қонунчилик ижросини текшириш якунларига кўра қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида 21 та тақдимнома, 7 та амрнома киритилди. Беш нафар шахс қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилди. Тўққиз нафар шахсга нисбатан интизомий, олтмиш нафарига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир, иккита қонунбузилиш ҳолатлари бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Мақсадимиз битта: деҳқон бозори деҳқонники бўлиши керак.

Комилжон БОЙМАТОВ,
Фарғона вилояти прокуратураси Умумий назорат бўлими бошлиғи ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси.
Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Адолат» мухбири.

ЭҲТИРОМ

Мамлакатимиз тупроғида бўлаётган ҳар бир ўзгаришни юртимиз фуқаролари теран нигоҳ билан кўриб, ҳис қилишиб турибди. Айни бу ўзгаришлар ижодкорларимизни ҳам бефарқ қолдираётгани йўқ.

Бундан бир неча йил муқаддам Россия ҳарбий фанлар академиясининг президенти, армия генерали М. Гореев ўзининг «Моя последняя война» асарида ёзувчи Абдурашид Нурмуродовнинг «Кровавая пелена» асарига юксак баҳо бериб «Бу асарда турли миллат вакиллари фарзандларининг оғриқлари бир оғриққа айланганлиги билан ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир» деган эди.

Бугун биз ҳукмингизга ҳавола қилаётган парчада ёзувчининг дўст бошига ташвиш тушганда унга беғараз ёрдам қўлини чўзган ўзбек халқининг ҳиммати ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу ўтмиш воқеалари ёзувчининг шахсий кузатувлари асосида берилган.

Менга нималар бўлмоқда? Қулоғим остидан сиёсат қўнғироғи жаранги кетмай қолди. Ҳатто суҳбатлашган, дардлашган, кулишганларнинг ҳам барчасининг суҳбат мавзуси келиб мана шу сиёсат майдонида туташади.

Бугунги ҳаётимизда бўлаётган янгиликлар, муаммолар, яна аллақандай холатларни кузата бориб, нимадир содир бўлганлигини, аммо бу содир бўлган ўзгариш қайси томонни ўпириб кетиши мумкин экан, деган безовта ўй менга тинчлик бермасди. Улкан денгиздаги осмонўпар муз тоғлари қуёшнинг нурлари тиғига бардош бера олмай қарсиллаб ёрилиб, эриган муз парчалари қирғоқлардан тошиб чиқа бошлаётгандай эди.

Улкан СССРдай мамлакатнинг гоҳ у ўлкасида, гоҳ бу шаҳрида олатасир тўполонлар авжи худди денгиздаги ёрилаётган муз тоғларини эслатарди. Бу бошланган тўфон шамолининг зарби секин-секин Туркистон ўлкаси халқларининг қадам ташлашларида сезила бошлади. «Ёзи билан семириб юради-да», дея молхолини тоққа ҳайдаган тоғликларнинг шўрини қуритди. Қаровсиз моллари дом-дараксиз йўқолиб, нима қиларини билишмай довдирашиб аламли сўкишдан нарига ўтолмадилар. Сўнгра шамол ўрнини довул эгаллади. Энди у мол-холу ўтовлар билан ҳисоблашиб ўтирмади, «ўрмонга ўт кетса, хўли қуруқ баробар ёнади», деганларидек, одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам, улкан-улкан иншоотлар ҳам ҳавода чархпалак бўлиб учиб юрарди. Қани энди бу балони олдини олишнинг иложи бўлса. Аммо ҳечам иложи йўқ эди.

Чор атрофда бўлаётган ўпирилишлар, довуллар шиддати шунчалар даҳшатли эдики, унга қарши курашишга ҳар қандай куч ожизлик қиларди. Худди ер силкиниб, ҳаммани ўз домига тортишга шайлангандай холатда бутун тирик жон талвасага тушиб қолган эди.

Турли миш-мишлар, турли қўрқувга қорилган сўзлардан, одамларнинг безовта, олазарак кўзлари ҳар ён оғади.

Тиллардан тилларга, қулоқлардан қулоқларга беҳаловат сўзлар учади.

«Хой, у юртнинг одамлари бир-бирини сўяётганмиш! Эшитдиларингми, қишлоқларини қуйдириб, кул қилаётганмишлар! Нон йўқмиш, ун йўқмиш! Очликдан қирилиб кетаётганмишлар. Қизларини олиб келиб сотаётганмиш. Нонга, ҳа-ҳа, нонга! Ишқилиб, ўзимизда тинчлик бўлсин-да! Яна бу бўрон кулбаларимизга кириб кетса, хай билмадим, у ёғи нима бўлади! Худодан ялиниб сўраганмиз, тинчлик бўлсин, тинчлик бўлсин!»

Ҳа, қўрқувдан минг хил рангда турланган овозларда, қўрқув, ҳадик, ишончсизлик ҳамма-ҳаммаси мужассам эди. Худди омонат ўтирган тепаси ҳозир нураб, қулаб тушаётгандай талвасали таҳликали кунлар бошланганди.

Ўша тўфон ичида биринчи бор қолган тоғли юртдан фарзандларини етаклаб оғайним келди. Нега хотини бирга эмаслигига шама қилиб сўрагандим, келин тўфон ичида қолиб кетганлигини жовдираб турган қизларининг кўз ёшларида кўрдим.

Шундай тоғли юртнинг мана мен деган ёзувчиси адойи тамом бўлган эди. Сўзлай бошлади, юрагим тўлиб тинглай бошладим:

– Ҳаммаси тугади! Ҳаммаси ёниб кул бўлди! У юртни қайтиб юрт бўлишига ишонмайман, ҳа-ҳа, ишонмайман! Ота болани, бола отани суймоқда.

Қутурган итни кўрганман! Аммо қутурган одамни кўрмаган эдим, дўст! Қўлоб Қўлоб бўлмади. Қўлоб заҳарланган гулобга айланди.

Бу машъум фожеа қандай пайдо бўлди, қандай қилиб одамларни домига тортди! Ҳамма худди қутуриш касаллигининг эми билан заҳарлангандай. Шундай кўзингга бақрайиб тикилиб туришади. Лекин сени танимайди. Бир оғиз сўз қилсанг, бурда-бурда қилиб ташлайди. Юрт, худди ваҳшийлашган тўдалар тупроғига айлангандай.

Бир замонлар, ҳа-ҳа, тасаввуримда бундан минглаб йиллар илгари меҳр-муҳаббат, қариндош-уруғчилик деган илоҳий туйғулар бўлгандай. Улар бугунги кунда биздан минглаб йиллар ортга чекиниб кетгандай.

У бир лаҳза жим қолди, худди бўғзига бор аламлари тиқилиб қолгандай, юзлари қизарди. Кейин овоз чиқариб йиғлаб юборди.

Уни юпатишга сўз топа олмасдим. Кўзлари мўлтирабгина турган болалари, ўзларини отасининг бағрига ташлашди. Юрагим ўйнаб кетди. Тасаввуримда, бу ҳамдард норасида гўдаклар онага, дўстимнинг онасига айланишгандай эди.

Бир амаллаб ўрнимдан турдим-да, дўстим болаларини елкаларидан силаб:

– Юринглар, мен сизларни фарзандларим билан таништирмабман-ку, – дея нариги хонага етаклаб бордим. Хуркак, қўрқоқ, асабий болалар ортимдан эргашди.

Хотиним Назирани кўришганда, юзларига нур энди. Ийманибгина, тортинибгина унга яқинлашди. Қачон Назира болаларни бағрига босганда бир бурда бўлишиб унинг бағрига сингиб кетишди. Хўрлигим, аламим келди. Кўз милкларим қичишиб, киприкларимга ёш илинди. Ортимга қайтдим.

Дўстим, аъзолари майдалаб ташлангандай алпозда мукка тушиб ўтирарди. Чой узатдим. Қўллари қалтираб пиёлани ушлади. Асабий кўз милклари учиб тушарди. Бир оз сукутдан сўнг, ювиниб-тараниши сўрадим. Ҳа, дегандай ўрнидан турди. Йўл бошладим.

Хонада ёлғиз қолдим. Кўз олдимга уруш кўрган, урушда ўлган дўстларим келди. Афғонистон урушининг жароҳатлари битмасдан, Тожикистон урушининг бошланиши юрагимни ларзага соларди.

Бу уруш даҳшатли, бирадаркушлик урушига айланиб кетиши мумкинлигини, унинг қонли панжаси истаган пайтда, истаган томонга чўзилиши ҳаёлдан ўтди.

Тинчликнинг қадрини уруш кўрганлар чуқурроқ хис қилишади. Шу боис юрагим увушарди. Беихтиёр мамлакатим, унинг одамлари, халқ бошида турган инсонга омонлик тилардим.

Одамлар ура-ур қилишиб, президентлик сайловида уни ҳам, буни ҳам амир қилиб кўтарамиз, дейишган бир паллада ака шоирни даъвогарлигини эшитиб ҳайратга тушгандим. Кечагина туппа-тузук ишлаб, ижодкорга ул-бул ёрдами тегиб турган уюшмани иккитага бўлиб юборишда «алоҳида хизмати» бўлган бу одамни қандай қилиб мамлакатни бошқаришига ҳечам ақлим етмасди.

Дунёнинг ишлари қизиқ экан-да, одамни бир лаҳзада жиннига, жиннини одамга айланиши ҳеч гапмас экан. Кўрпа бор, оёқ бор. Ўша кўрпадан оёқ чиқиб кетадими ёки йўқ. Оёқни совуқ уришини ҳаёлидан чиқариб ташлаб, нуқул калта кўрпани тортаберса ҳам бўлар экан-да. Ҳе, шўринг қурғур дунё, сени не-не шўр пешоналар зор қақшатмади...

Ювиниб чиққан дўстим бир оз ўзига келиб, қаршимга ўтирди. Ҳамма нарсадан, урушлардан, жанжаллардан холи бўлиб қолгандай, енгил нафас олиб, ул-бул томонга ҳам қараб қўйди.

Қайта кўришдик. Кўпам эзилабермаслигини маслаҳат бердим. Чуқур хўрсинди. Яна турқи ўзгарди. Мен унинг ўзи билан нималар содир бўлганлигини билишни истамай қолгандим. Чунки шундоқ ҳам болаларини, ҳали гўдак, аммо ўнлаб йиллар яшаб қўйгандай нигоҳида ҳаммаси ошкор эди.

Ҳасратлари ичига сиғмай сўзлай бошлади:

– Дўстим, келинингдан ажралиб қолдим, – деди менга бир илтижо билан тикилиб.

– Нима кор-хол бўлди, – дея сўз топа олмай нигоҳимни ундан олиб қочдим.

– Бу, баччағарларнинг олатасири бошланганда, мен Душанбени йўлида эдим. Бўлган, бўлаётган воқеаларни йўлда эшитдим. Машинани газини босдим. Йўлда келяпман, юрагим бир ёмонликни сезгандай гурсиллаб уради. Жон холатда рулга ёпишиб олганман. Шундай қишлоғимизга яқинлашганда, тумонат одам ул томондан – бул томонга бориб келарди. Яқинлашдим, ҳаммаси ўзимизни хеш-акобирлар. Ҳаммасининг кўзида ёш, бири дод солиб, бири бағри куйиб йиғларди. Шундай йўлнинг ўртасида эллик-олтмиш чоғлик одам жасади териб қўйилганди.

Жасадларни бошидаги ёпинчиғини кўтариб кўриб келаяпман. Бири у қариндош, бири бу қариндош. Билмадим, қанча жасадни кўрдим, шундай бирининг бошидаги рўмолини кўтаришим билан хотинимни танидим. Кейин ҳеч нарса билмайман. Телба эдим, телба! Менга суюкли, қадрдон, юрагимнинг бир бўлаги бўлган инсон ўлиб ётарди. Қачон болаларимнинг овозини эшитганда, хушимга келдим. Улар чирқираб йиғлашар, бағримга ўзларини отишар, қаттиқ қўрқанликларидан қўйнимда дир-дир титрашарди.

Хушимни йиғдим, болаларимни овутмоқ истагида сўзлай бошладим. Қани энди овозим чиқса, чиқмайди.

Қариндош – уруғ ёпирилиб ёнимга келганда, бўғзимдан бир фарёд отилди. Ҳеч ўзимни тўхтата олмайман, яна қайта ҳамма нарса ёдимдан кўтарилди, ҳатто болаларим ҳам.

Марҳумлар кўмилди. Бу ваҳшийликни қилганлар изланди.

Ҳэ, онасини... Ҳатто ёш болаларни чавақлаб, аёлларнинг кўксини кесиб ташлашган. Бу ит эмганлар қайларда туғилиб, қай ерда ўсганлигига ҳеч ақлим етмайди. Ҳамон бир маънили жавоб айта олмайман.

Юрагим музлаган, истаган пайтда истаган одамни ўлдиришга шай холатда ўлим излайман. Ахийри, мен кутган кун келди, жўра, ваҳшийлар билан юзма-юз бўлдим. Йигирма нафари қўлга тушган экан, қўллари боғлоғлиқ, шундай қаршимизда чўзилиб ётарди.

Ит эмганларнинг кўзларига тикилдим. Кўз қорачиқларига қон тўлган, шундай қаршимда ётган буқадайи юзимга туфлаб юборди. Менга баҳона керак эди. Талвасага тушиб этигим пошналари билан юзига тепа бошладим. Нима қилаётганимни билмай қолгандим. Олдин жон талваса қилди, кейин чўзилиб қолди. Тепишдан чарчамадим. Бир вақти қарасам, боши ёрилган тарвуздай мажақланиб кетибди. Иккинчисига ўтдим, кимлардир ушлаб қолишди. Бўлмаса, унисини ҳам ўлдириб қўярдим.

Кейин-кейин кўпини ҳеч иккиланмасдан ўлдирдим. Сен уруш кўргансан. Шу сабаб дардимни ошкор қилаяпман, дўстим. У бир оз тин олди. Сўнг:

– Орадан кўп ўтмай Қўлоб қуршов қилинди. Бор егуликлар бир неча кунга етди. Сўнг очарчилик,, касаллик ҳуруж қилди. На бир жойга чиқиб бўлади, на бир бурда нон бор. Болаларни очликдан ўлишини ўз кўзим билан кўриб турардим. Аммо уларнинг омонат жонига заррача шафқат қўлимизни чўза олмасдик.

Бундан ортиқ қайгуни, кўргиликни ўзи бўлмаса керак. Мен ҳам ўша кунлари икки фарзандимдан ажралиб қолдим.

Унинг киприкларига ёш илинди. Хўрсиниб-хўрсиниб қаддини рослади. Бир оз ўзига келиб:

– Эй, сенлар Президентларингни бошларингда кўтариб юрсаларинг ҳам камлик қилади. Ана шу улуғ, меҳрибон, болажон инсон бизга биринчи бўлиб шафқат қўлини чўзди.

Болалар, оналар, оталар «нон-нон» дея бир армон билан бу ёруғ олам билан ҳайрлашаётган пайтда, Ўзбекистондан нон келди, жон келди.

Озиқ-овқатни Президентларинг вертолётларда етказди. Ўшандан бошлаб мингминглаб аҳолиси бор Қўлоб халқининг жони омон қолди.

Биласанми, у машъум кунлари болалар, оналар, кексалар, бирваракайига осмонга тикилишиб, «Президент Каримовнинг жони омон бўлсин», дея Худодан бу муҳтарам зотга ҳайрли ишларида омад тилашарди.

Агар бизга ана шу улуғ инсон шафқат қўлини чўзмаганда мен ҳам, болаларим ҳам, бутун Қўлоб халқи ҳам бўлмасди. Ер билан битта бўлиб қирилиб кетарди. Бу инсоннинг олдида биз тожиклар бир умр қарздормиз, – деди у бор ифтихор туйғуси билан. Кейин юзига ҳаёт нафаси энгандай алпозда:

– Катта қизимнинг оти Санам, кичигининг исми Сарвиноз. Биринчиси олтинчи, иккинчиси тўртинчи синфда ўқишади. Қўлобда ҳаёт бироз ўзига келганда, фарзандларимни акамникида қолдириб, Душанбега келдим. Бир неча кун иш билан андармон бўлиб, қишлоққа кеч қайтдим. Уйга келишим билан болаларим бўйнимга осилишиб хонага етаклашди. Узоқ вақтдан бери уларнинг юзида бундай қувонч балқимаганлигини, бугун қандайдир илиқ нур юзларида кезинганини ҳис қилиб, юрагим хапқириб кетди.

Акамнинг хотини ҳам хурсанд.

– Болаларингиз сизга совға тайёрлаб қўйишган, – деди сирли жилмайиб.

Қандай совға экан, деган ниятда улар билан бошлашиб хонага кирдим. Қизларим мени тўрга ўтқазишди. Кўзимни юмиб туришимни тайинлашиб, иккови бир-бири билан шивирлашгандан сўнг:

– **Кўзингизни очинг, – дейишди. Кўзимни очдим. Қаршимда иккови оқ сурупни таранг тортишиб турар, сурпда катта вертолёт суврати кашта қилиб тикилган, қуйисида «Бизга нон олиб келган Ўзбекистон Президенти Каримовнинг вертолётлари» деган ёзув бор эди.**

Биласанми, дўстим, ўшанда кўзларимдан тирқираб ёш отилиб кетди. Болаларимни бағримга, улар тиккан сўзанани юзимга босиб йиғладим. Ҳеч ўзимни ушлай олмайман. Юрагимда эса бу улуғ инсонга бўлган меҳр-муҳаббатим яна, яна юз карра ортган эди.

Ҳа, бу одам гўдакни, ҳали ҳиёнатлар, жиноятлар ботқоғига ботиб улгурмаган, зилол сувдай тоза, покиза қалб эгалари бўлмиш фарзандларимизнинг ҳам муҳаббатини қозонган бебаҳо инсондир!

... Дўстим, қизлари билан бизникида бир неча кун қолишди. Кўзда меҳр деганларидек, болалари ҳам менинг болаларим билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Курсдош оғайним билан икковимиз шаҳар айланамиз, шаҳарлик жўраларнинг уйига меҳмон бўлиб борамиз. Турли мавзуда суҳбатлар, баҳс-мунозараларда қатнашиб, ўтган кунларидан чалгигандай, хулқ-атвори ҳам, афт-ангори ҳам ўзгариб, ҳаётга бошқачароқ меҳрибонроқ қарайдиган бўлди.

Тошкент шаҳрида бўлаётган ўзгаришларни, у билан айланганда кўрдим. Шу вақтгача иш, уй, ёзув столидаги тўрт-беш саҳифа қоралашдан нигоҳим бошқа томонга тушмаганлигини чуқурроқ сездим.

«Олой» бозори олдида қад ростлаган бинога унинг кўзи тушиб:

– Бу улкан бино қандай бино, – деди ҳайрати ичига сиғмай. Мен ҳам у томонларга ўтмаганлигим учун қандай бинолигини билмай елка қисдим. У менинг елка қисишимга жавобан:

– Эй, сени ким айтади, ёзувчи, деб. Шундай бурнингни тагида қад ростлаган бинони нималигини билмасанг. Бу бир кунда пайдо бўлмаган бўлса, бино қурилгунча қанча-қанча одамлар тер тўкиб меҳнат қилган, матбуотда ёритилган, ана шу қурилиш заҳматкашлари гурур ва ифтихор билан қилаётган ишладан мамнун сўзлашишган бўлса керак. Сен эса, худди мен каби ўзга бир давлатдан келиб қолгандай елка қисасан, – деди жаҳли чиқиб.

У ҳақ эди. «Олой» бозори билан мен яшаётган жой ўнчалик ҳам узоқ эмас. Шу боис ўз айбимга иқрор бўлиб, унинг гапини худди гуноҳкор одамдай тасдиқлаб, жилмайиб қўйдим, холос. У эса ҳамон жаҳлидан тушмай:

– Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шунга айтадиларда. Агар бу ерда бўлаётган улкан ўзгаришларни биздаги вайроналар билан солиштириб кўрганингда эди, унда мамлакатингни қай бир бурчагида қурилаётган оддий бир кулба бўлсин, бориб кўрган бўлур эдинг.

Худо кўрсатмасин, бизнинг бошимизга тушган кулфат пардаларингни тортиб мўралаганда нима бўларди. «Онангни яқини қози бўлса, дардингни кимга айтасан», деган шармандали, фожеали, одам одамни танимай қолган кунлар бошланарди. Ана шу балодан сенлар омон қолдиларинг, – деди чуқур хўрсиниб. Кейин гаплари ёдидан кўтарилгандай, бинони ул томонидан, бул томонидан ўтиб, худди ёш боладай югуриб томоша қила бошлади.

Унинг бу ҳаракатлари менга ҳам кўчди. Одамлардан бинони нима бўлишини сўрадим, «меҳмонхона» дейишди.

Ҳақиқатдан бино жуда маҳобатли, жуда баланд бўлиб қад ростлаётган эди.

Йўл-йўлакай ундан Тожикистондаги урушнинг бош сабабини сўрайман.

— Халқ қайси пайтларда кулфатларни бошидан кечиради?

— Қачон табиат қаршисида иложсиз қолса, ташқи душман тупроғига бостириб келса, ўз ичидан чиққан сотқинлар қонуний ҳокиятга қарши курашса...

Дўстимнинг кайфияти тушиб кетганлигини кўриб, гапни чалғитишга уриндим. Ресторанга таклиф қилдим. У қандай бўлар экан, дегандай, иккиланиб, сўнгида бормасликка қарор қилди. Бошлашиб уйга келдик.

Улар индинга кетишлари керак эди. Уйга келсак, кичкина қизи отасини остонада кўриши билан ёнига югуриб келиб, қулоқларига нималардир шивирлади. Дўстимнинг юзида қувонч балқиди. Кейин менга қизининг шивири сирини очди.

– Биз сен билан лақиллаб юраверибмиз, қизларимга уйда берган ваъдамни унутибманку, – деди менга бир қувонч, меҳр билан тикилиб.

– Қандай ваъда экан, зудлик билан амалга оширамиз, – дедим қизалоқнинг жамалак сочларини силаб.

– Мен, Тошкентга борсак, албатта уларга Каримов ишлайдиган бинони кўрсатаман, дегандим. Агар у ёдимга солмасса, буткул эсимдан чиқариб қўйибман, – деди бошини ликиллатиб.

Қизчанинг шивири сиридан кўнглим ажабтовур бўлиб кетди. Беихтиёр, хатто мана шу қизалоқ қалбидан ҳам жой олишга улгурган Юртбошимизнинг фуқароларимизга орден топшираётган пайтда айтган сўзлари хотирамда жонланди: «Одамзод дунёда кўп касбу ҳунарнинг эгаси бўлиши мумкин. Қурувчи, деҳқон, боғбон, шоир, олим бўлиб ном қозониши, молмулк, бойлик орттириши мумкин. Лекин, Оллоҳ таоло инсонга ато этган энг катта бойлик, энг улуғ бурч борки, уни дунёдаги ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу – фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтидир. Бу фақатгина бахту саодат эмас, балки Яратганнинг олдида, элу юрт олдида жуда катта масъулият ҳам демакдир».

Дўстим қизининг сочларини силаб, меҳрим ийиб бағримга босаман ва ажабтовур хисларни қалбимда туяман. Руҳимда бўлаётган ўзгаришлардан кўнглим кўтарилиб кетади. Бошлашиб хонага кирамиз.

Эртага ўзлари орзу қилган инсон уйига боришимизни эшитиб, қизлар шундай хурсанд бўлишдики, уларни бу хурсандчилигига шерик бўлмасдан иложимиз йўқ эди.

Туни билан дўст ила суҳбатлашиб чиқдик. Бирга ўқиган дамларимизни эслашдик. Ёру жўралар, муҳаббат бобида севгиси достон бўлган Салимни ишқий саргуштларидан бир шингил ғийбат қилдик...

Тонг отди. Зойирнинг қизлари болаларим билан ҳайрлашди. Одам боласининг аслида бегонаси йўқ. Бир неча кун ичида улар худди ака-сингил, опа-укадай бўлиб кетишганди. Бир-бирларига келишларини, боришларини тайинлашди. Бизлар четда уларнинг гапсўзларини жимгина кузатиб турардик. Кўнгил шодон, Зойирга қарайман. Кўзларидан ёш сизарди. Мен ҳам унинг холатидан тўлқинландим. У менинг қараб турганлигимни сезиб, бир ён қаради, йўлда эса:

– Марҳума Заҳро бўлганда, ҳеч биримизга сўз бермай, ҳаммамизни кулдириб хайрлашарди, – деди хўрсиниб. Унга бир сўз айта олмай, жимгина кетабердим.

Метрога тушдик, дўстимнинг қизлари метродаги одамлар оқимига, ранг-баранг нур сочиб турган қандилларга ҳайрат билан қарашади. Отасидан поезд шовқини остида нималарнидир қизиқиб сўрашади.

Биз тушишимиз лозим бўлган «Мустақиллик» бекатига етиб келамиз. Зойирнинг кичик қизи Сарвиноз-нинг қўлидан маҳкам ушлаб оламан. Унинг жажжи қўлларидан ўтган тафт кўнглимга ёруғ туйғуларни олиб келади.

«Мустақиллик» майдонига чиқамиз. Шундай қаршимизда салобат тўкиб турган ер шарига қизалоқлар қизиқиб қарашади. Уларга тушунтираман.

– Бу ер шари. Ана у алоҳида белгилари билан кўзга ташланиб турган харита – Ўзбекистон.

Улар тушунгандай бош чайқашади. Кейин жимгина, қизалоқларни бир ҳайратга солай деган ниятда, ўзим ҳам болага айланиб, Президент биноси томон қадам ташлайман.

Ўнг томонимиздаги фаввора ажиб камалак рангини кашф қилиб жилолана-ди. Мен уларнинг эътиборини фавваларга қаратаман. Сарвиноз қўлимдан юлқиниб чиқмоқ истагандай сакраб-сакраб қўяди. Бир текис терилган плиталар устида, Бўзсув томон юраман. Шундай Президент биносининг қоқ марказида тўхтаб:

– Қани кўзларингни юминглар-чи, – дейман бир пайтлари ўзлари отасига айтган хитобларини такрорлаб. Юмишади.

Шунда икковининг ҳам юзини мамлакат Президенти биноси томон қаратаман. Бир ҳаяжон, бир ич-ичимдан тўлдириб келаётган хисларимни боса олмай:

– Кўзларингни очинглар! – дейман тантанавор. Шунда-шунда менинг ҳам, Зойирнинг ҳам хаёлига келмаган холат юз берди. Опасингил, худди ҳайкалдай қотиб қолишди. Кўзларини юммасди, киприк қоқмасди. Оқариб кетган юзларида бир меҳр, ҳа-ҳа, мен тасаввур қила олишим мумкин бўлмаган бир илоҳий меҳр билан Президент биносига тикилиб қолишди. Шу вақтда хаёлимга ҳеч бир сўз келмас. Опа-сингилни худди қимирласа қаршисидаги улкан бинони йўқотиб қўйишдан қўрққандай холати нафақат мени, ҳар қандай бағритош одамни ҳам қалбини ларзага келтирарди. Тани-жоним сирқирарди, қани энди иложи бўлса-ю, Президент ёнида пайдо бўлиб: «Муҳтарам Президент, бир пайтлар сиз жонини омон сақлаб қолган фарзандларингиз пойингизда турибди», дея айта олсанг. У болажон одам. Бу опа-сингилларни бағрига босган, хурсандчилигини ичига сиғдира олмаган бўларди.

Бу хаёл. Хаёлларимдан қайтаман.

– Томоша қилдиларингми, – дейман хурсанд бўлиб.

Менинг гапимдан улар сергак тортишади. Ийманибгина, тортинибгина катта қизи:

– Қайси хонада ўтиради, – дейди. Ростакамига Президентни қайси хонада ўтиришини билмайман. Хоналарни чамалайман-да, оппоқ пардасини кўрсатиб:

– Ху юқоридаги оқ пардалисида, – дейман. Менинг жавобимдан қониқиш ҳосил қиладилар, аммо Сарвиноз опасига нималардир, дейди. Унинг гапини тинглаган опаси менга ўгирилди ва:

– Сарвиноз «Президентнинг вертолётлари қаерда?» деб сўраяпти, – дейди. Шошиб қоламан ва ўзимни ўнглаб олиб:

– Мана шу бинонинг ичкарисида, – дейман. Улар хурсанд бўлишади. Қизалоқларга тикиламан. Уларнинг чеҳрасида шунча кунлардан бери кўрмаган бир ботиний нурни кўраман.

Хатто гўдакларнинг ҳам қалбидан жой ола билган бу Инсонга юрагимнинг тўрида бир ихлосни туяман.

Абдурашид НУРМУРОДОВ.

— Менинг асал-наввотим...

ДУНЁДА ТИНЧЛИК УСТУВОР БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, нодоимий аъзолар сонини ҳам кўпайтириб, шу баробарида турли қитъаларда жойлашган давлатларни ҳам бу ишга жалб қилиш долзарб масала бўлиб турибди.

Ўзбекистон мазкур анжуманда нималарни умид қилаётир? Айтишим керакки, шу хилдаги анжуманда учинчи бор қатнашяпман, деди Президентимиз. Олдинги анжуманларда нафақат Ўзбекистон, балки минтақамизнинг энг долзарб, энг ўткир муаммоларини БМТ минбаридан туриб айтганман. Европанинг бирон нуқтасида ёки бошқа қитъада нотинчлик содир бўлса, жаҳондаги етакчи давлатлар миллиардлаб маблағ сарфлаб уни ҳал қилишга киришадилар. Нима учун Афғонистонда 20 йилдан буён уруш кетяпти? Унинг таъсири нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёга ҳам сезиляпти. Қанча-қанча одамлар бу урушда нобуд бўлиб кетди. Бугун XXI аср бўсағасида бу муаммонинг ечими қандай бўлади, деган фикрларни айтганмиз.

Президент фикрича, Орол муаммоси хусусида ҳам шу каби гапларни айтиш жоиз. Табиат бир-бири билан шундай боғланиб кетганки, Оролнинг қуриши бошқа қитъаларга ҳам таъсир қилади. Сайёрамиздаги биологик мувозанат бузилади. Бунинг оқибатлари ҳали чуқур ўрганилиб, жаҳон жамоатчилигига етказиб берилгани йўқ. Бу масалани ижобий ечиш учун амалий ишлар қилиниши керак.

Ҳар қандай уруш, тўқнашувларнинг олдини олиш БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг асосий фаолият йўналиши бўлиши керак, деб қайд этди мамлакатимиз раҳбари. Одамзодни урушдан сақлаб қолиш керак. Дунёда бунёдкорлик бўлсин. Бизда бу борада аниқ таклифлар мавжуд. Фикримизча, БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг таркиби ўзгартирилиб, унга Япония, Германия давлатлари доимий аъзо сифатида қабул қилиниши керак. Шу билан бирга нодоимий аъзолар сонини кўпайтириб, Ўзбекистонга ўхшаш Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган мамлакатнинг овозини ҳам бутун дунё эшитиши керак.

«ТУРКИСТОН–ПРЕСС» МАЪЛУМОТИ: Минг йиллик саммити шу йилнинг 6-8 сентябрь кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтаётир. Унда 115 та давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этмоқда. Анжуман якунига кўра минг йиллик Баённомаси қабул қилинади. Баённомада инсониятни уруш, қашшоқлик ва экологик ҳалокатлардан холи этиш, шунингдек, демократия ва қонун устуворлигини ривожлантиришда жаҳоннинг етакчилари ўз куч-ғайратларини аямасликлари ўз аксини топади. Баённома лойиҳасида халқаро суд ва бутун башариятни бирлаштирувчи БМТнинг нуфузини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланади.

БАҒРИНГГА БОС, ЎЗБЕКИСТОННИ!

Шоир Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ таърифида

Куни кеча Президент Ислом Каримов Фармони билан таниқли шоир Нормурод Нарзуллаевга «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвони берилди.

Шахсан мен бу одамни ўқувчи сифатида чорак асрдан буён, яқин одам сифатида 15 йилдан бери яхши танийман. Бунинг биринчи сабаби: устозим Наримон Хотамов Раъно Абдуллаева томонидан «урилганида» шу одам-студентлик дўсти Нормурод Нарзуллаев унга хамроҳ, мадад бўлди. Уша машъум 1985 йилдан, қатағон компаниясидан буён бу икки оқсоқол бир-биридан ажралмайди. Ўзбек зиёлилари уларни «эгизак қайвонилар» деб суйишади.

Атоқли шоир Нормурод Нарзуллаевнинг хислатлари беҳисоб. Мен у кишининг уч фазилатини алоҳида қайд этишни истайман:

Биринчиси – серташвишлиги.
Иккинчиси – серсафарлиги.
Учинчиси – сермеҳрлиги.

Ростдан ҳам ҳеч кимнинг Нормурод акачалик таниши кўп эмас. Республикамизнинг ярим аҳолиси шу одамнинг таниш-билиши десам, лоф бўлмас...

Серсафарлиги; шоирнинг жомадони доим қўлида. Ўзи мудом йўлда. Ўзбекистоннинг турли вилоят, туман, қишлоқларида уни бот-бот учратишингиз мумкин. Тўй – ҳашамда, ўлим-йитимда шоир ҳамиша халқ ичида, камарбаста. У кишида «иложим йўқ», «фалон кундан кейин», «кайфиятим, соғлиғим қутармайди» деган важ-корсонлар йўқ. Доим эғарлоғлиқ отдай, ўқланган милтиқдай...

Сермеҳрлиги, сермулозаматлиги ижобий маънода. Танишлар шуҳратли ижодкордан балки ийманишиб, тортиниб туришар. Бироқ шоирнинг ўзи одамларга, ҳар бир инсонга интилиб, талпиниб яшайди. Ҳаммага алоҳида-алоҳида экспромт шеър тўқийди. Сон-саноқсиз дўсту қадрдонларнинг ҳар бирига ўзгача мулозамат кўрсатади. Халқимизнинг ҳамма қатламлари орасида шоирнинг қадрдонлари беҳисоб.

Бугунги кунда Нормурод Нарзуллаевнинг 500 дан ортиқ шеъри катта-кичик хонандалар репертуарида қўшиқ қилиб айтилмоқда. Бу жиҳатдан шоирни ўзбек адабиётида ўтган қайси шоирга қиёслаш мумкин? Менимча, сермаҳсуллиги Акмал Пулатга, ҳозиржавоблигини Туроб Тўлага ўхшатса бўлади!.. Ибратли фазилатлари эса бир олам...

Айниқса кейинги 5-6 йил ичида ижодкорлардан ҳеч ким Нормурод Нарзуллаевчалик самарали ва сермаҳсул ижод қилолгани йўқ. Ҳар йили ўнлаб шеърлари турли авлод санъаткорлари томонидан қўшиқ қилиниб, халққа тақдим этилди. Ҳофизларнинг энг ёши улугидан тортиб, кеча чиққан ҳаваскор ўсмиргача ўз репертуарига Н. Нарзуллаев шеъри-қўшиғини киритмаса, кўнгли жойига тушмайдиган бўлди.

Нормурод Нарзуллаевнинг «Юрт ишқида ёнаман» («Ўзбекистон – Ватаним») қўшиғи ўзбекнинг севимли қўшиғига айланди. Тўй-ҳашам, байрам-ҳайит, халқаро спорт мусобақалари-ю ресторан-дискотека гуруҳлари дастурига ча бу қўшиқсиз ўтмайди. Чинакам халқ шоири деб шуйдай адибларни айтса ярашади-да!..

Нарзий исми-шарифини қўшиқлари орқали эшитмаган одам йўқ. Лекин у кишини яқиндан билганлар шоир севган ибораю лутфларни яхши танишади. Мана, улардан намуналарки, бу ҳам халқ шоири хислатларини очиб беришда муҳим калит ролини ўташи мумкин:

Бошланиши ёмон эмас...
Кадрлар жой-жойига қўйилган...
Сиз ўшасиз...
Сизни қаердадир кўргандайман...
Нечта шоирингиз бор ўзи?
Юрган эканмизда, шоирмиз деб...
Ақлли бошлар олдида ақлим ғариб...
Сизни кўрган кўзларимдан ўргилай...
Соғиндим, азизим!..
Нормурод Нарзий – Сизда бор қарзи!..
Нарзий тутгил одил йўлди, йўлдан адашма!
Шоирлар кўп – Нормурод Нарзуллаев битта.

Н. Нарзуллаевнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. Президент Фармони билан «Ўзбекистон халқ шоири» унвони олганида унинг хонадонига бориб, бутун оиласини табрикладим.

– Э, яшанг-е, Нормурод ака, Сиздай инсонлар бор – Ўзбекистон бор! – дедим.

– Йўқ, азизим, – деди шоир: – Ўзбекистон бор, бизлар бормиз...

Маҳмуд САТТОРОВ.

● *Амнистия ҳақида Фармон ва унга шарҳ*

МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ТИМСОЛИ

Куни кеча республикамиз матбуотида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Журналист Сафар ОСТОНОВнинг ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Ҳалимбой БОБОЕВ билан суҳбати ана шу ФАРМОН ШАРҲИГА бағишланади.

— Ҳалимбой ака, Конституциямизнинг 93-моддасига биноан фақат мамлакатимиз Президенти амнистия эълон қилиш, жиноят содир этган шахсларни авф этиш ваколатига эга. Бу ваколат ўзининг изчил амалий ижросини топиб келаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Ўйлаб кўрилса, бундай меҳр-мурувват, бир томондан, мустақил давлатимиз умуминсоний тамойилларга, ҳуқуқий давлат принципларига тобора қатъий риоя қилиб бораётганини англатса, иккинчи томондан, халқимизнинг бағрикенглиги, меҳр-шафқат, кечиримлилик каби юксак фазилатларга эга эканлигини кўрсатади. Навбатдаги амнистия шу фикримизнинг яна бир исботидир.

Сиз ҳуқуқшунос олим сифатида, аввало, амнистиянинг ана шу жиҳатлари ва унинг олдингиларидан асосий фарқлари ҳақида тўхталсангиз?

— Мустақил давлатимизнинг бош қомуси — Конституция моҳият эътибори билан бизнинг олий мақсадимиз — инсонпарвар, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишга хизмат қилади. Ҳуқуқий-демократик давлат деганда жамиятдаги барча табақа, шахсларнинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқи ҳимояси кафолатлангани англанади. Биз мустақилликка эришганимиздан кейинги мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг орзу-умиди, эркин яшаш ҳуқуқи ўз қадрини топа бошлади. Инсон ҳаётда турли хил вазиятларга тушади. Билиб-билмай жиноятга қўл уриши, ҳатто мудҳиш кўргуликлар содир этиши мумкин. Шундай шахсларга ҳам, аввало, инсоний нуқтаи назардан ёндашиш, уларнинг ҳаётда тўғри йўл топиб олишига кўмаклашиш бугунги сиёсатимизнинг узвий қисмини ташкил этади.

Амнистия, бу содда қилиб айтадиган бўлсак, инсон тақдирига, унинг келажак ҳаётига ғамхўрлик билан ёндашишдир. Чунки мазкур ҳужжатнинг ҳар бир банди, сатри замирида инсоннинг ҳаёти, кейинги қисмати, оиласининг тақдири ётади. Мана, тасаввур қилайлик, мазкур ҳужжат қанчаданқанча шахсларга жазо муддатидан олдин оиласи бағрига қайтиш, ҳаётини янгидан бошлаш ҳуқуқини беради. Бу билан оиланинг шаъни қайта тикланади, ота-она, фарзандлар, ёру- биродарларнинг ўксик қалби малҳам топади. Улар қўнглига ёруғлик олиб киради. Кўрдингизми, мазкур ҳужжат нафақат озодликка чиқаётган ҳар бир инсоннинг, балки унинг ортидаги ўнлаб одамлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларга кўра, бу амнистия туфайли йигирма мингдан зиёд маҳкумлар жазони ўташ жойларидан озод бўлади, оиласининг иссиқ бағрига қайтади. Бу — ушбу ҳужжат замирида улкан инсонпарварлик туйғуси мужассам эканлигини англатади. Яна шуни қўшимча қилиш керакки, 30—35 мингга яқин маҳкумларнинг жазо муддати қисқартирилади. Бу амнистия қарийб 90—95 фоиз маҳкумларга нисбатан қўлланилади, деганидир.

Шу ўринда бир, масалага ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Яқинда матбуотда Республикамизда қанча шахс қандай жиноятлар учун озодликдан маҳрум этилгани тўғрисидаги расмий маълумотлар эълон қилинди. Бу рақамлар айрим чет эл оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда тўёки 100 мингдан зиёд диндор қамоқда сақланмоқда, деган даъволар ҳақиқатдан мутлақо йироқлигини кўрсатиб турибди. Қолаверса, мамлакатимизда бирорта ҳам шахс диний эътиқоди учун қамоққа олинмаганлиги, бундай бўлиши мумкин ҳам эмаслиги соғлом фикрли ҳар бир инсонга кундек равшан.

Мустақилликнинг ўтган тўққиз йили мобайнида Президентимиз Фармонлари билан 11 марта амнистия қабул қилинган. Шулар орасида бу йилги амнистия кенг қамровлиги, инсонийлик тамойилларини маҳкум шахсларга янада кенгроқ қўлланилганлиги, айниқса, аёлларга, қарияларга ва вояга етмаганларга бенихоя катта меҳр-мурувват кўрсатилганлиги билан ажралиб туради.

— Ҳуқуқшунос олим сифатида Фармоннинг мана шу моддаларига батафсилроқ тўхталсангиз?

— Фармоннинг 1-моддасида хотин-қизлар ёшидан қатъий назар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ҳамда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, вояга етмаганлар, чет эл фуқароларини жиноий жазодан озод қилиш белгиланган. Лекин Фармонда қайд этилганидек, мазкур модда уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этган, ўта оғир жиноятлари учун судланганлар, шунингдек, қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситаларининг савдоси билан шуғулланган шахсларга, ўта хавфли рецидивистларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланганидек, ижтимоий хавфли катта ва оғир бўлмаган жиноят турлари мавжуд. Масалан, унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахсларга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган.

Фармоннинг иккинчи моддасига кўра, ана шундай жиноят содир этган, уч йилгача озодликдан маҳрум этилган, шу билан бирга, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинади. Фармоннинг ушбу моддаси жазони ижро этиш муассасаси, шунингдек, тергов органи ва суд томонидан амалга оширилади.

Биринчи маротаба олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилиниши Фармоннинг учинчи моддасида кўрсатилган. Бу дегани шахс биринчи маротаба жиноят содир қилганлиги учун судланиб, олти йил озодликдан маҳрум этилган ва жазо муддатини бир йилу олти ойини ўтаган бўлса, озодликка чиқишини билдиради.

— Назаримда, Фармоннинг 4-моддаси илгаригиларига қараганда қамрови анча кенг. Шу ҳақда ўз фикрингизни билдирсангиз?

— Бу моддага кўра, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо муддати бир йилдан кам қолган маҳкумлар озодликка чиқади. Яъни, шу йилнинг 28 августига қадар ўталмаган жазо муддати бир йил ва ундан камроқ қолган бўлса, маҳкум озод этилади.

Фармоннинг 5-моддаси эса, биринчи маротаба жиноят содир этиб, ўн йилгача озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахсларга жазодан бутунлай озод этилиш имконини беради.

Шу ўринда 6-модда ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73—74-моддаларига кўра, озодликдан махрум қилиш ва бошқа турдаги жазоларга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бу моддаларни қўллаш учун маҳкум белгиланган жазонинг маълум бир қисмини ўтаган бўлиши шарт. Масалан, оғир жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтагандан сўнг шартли равишда озодликка чиқарилиши, шунингдек, жазо муддатининг камида ярмини ўтаган бўлса, унга нисбатан жазони енгиллаштириш мумкин. Дейлик, саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс жазонинг тўрт йилини ўтаган бўлса, у аҳлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилиши мумкин.

— Фармоннинг 7-моддасида 10 йилгача озодликдан маҳрум этилган ва жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар манзил-колонияларига ўтказилиши белгиланган. Бу қандай ҳуқуқий асосларга кўра амалга оширилади?

— Республика Жиноят-ижроия кодекси 113-моддасига кўра, унча оғир бўлмаган жинояти учун судланганлар жазони ўташ даврида ўзининг ижобий жиҳатларини кўрсатган, тартиб-интизомга қатъий риоя қилган, жазо муддатининг камида учдан бир қисмини, оғир жиноят учун судланганлар эса, жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтаган бўлса, манзил-колонияларга ўтказилади.

Фармоннинг 8—9—10-бандлари учун қўшимча изоҳ шарт эмас деб ўйлайман.

— Шу ўринда бир савол туғилади: Фармоннинг 10-бандида Ўзбекистон Республикаси конституцион тузумига қарши жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан амнистия қўлланилмаслиги қайд этилган. Шу масалага ҳам қисқача изоҳ бериб ўтсангиз фойдадан холи бўлмасди.

— Бунинг сабаби шундаки, террористик, экстремистик ва бошқа ноқонуний ташкилотлар, жиноий уюшмаларда иштирок этиш, миллий, ирқий адоват қўзғатиш ва жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар ўта оғир жиноятлар ҳисобланади. Бундай жиноят бир ёки бир неча киши ҳаётига эмас, балки бутун жамият, бутун халқ хавфсизлигига таҳдид солади. Менингча, бундай жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан амнистия қўлланмаслигидан бутун жамият манфаатдор.

— Яқин кунларда маҳкумликдан озод этилиб, ўз оиласи бағрига қайтадиган ҳар бир инсон кўрсатилган меҳр-мурувватдан тўғри хулоса чиқариши, бу мурувват, ишонч унинг учун яна бир имконият эканлигини англаб етиши зарур, албатта. Шу ўринда сиз ҳуқуқшунос олим сифатида ана шундай кишиларга нима деган бўлардингиз?

— Инсон дунёга бир марта келади. Қандай умр кечириши унинг ўзига боғлиқ. Президентимизнинг ушбу Фармони минглаб маҳкумларни озодликка чиқариш билан биргаликда уларга катта масулият ҳам юклайди. Содда қилиб айтганда, одамийликка одамийлик билан, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш инсонга хос фазилат.

Бугунги озод, эркин, хотиржам ҳаёт қадрини, ўз ота-онаси, фарзандлари, оиласи шаъни ва тақдирини ўйлаган ҳар бир инсон ҳаётнинг аччиқ сабоқларидан тегишли хулоса чиқариши шартдир.

— Ҳа, дўст! Ўйнашингни даврадагиларга бир кўрсатиб қўй.

● *Билиб қўйган яхши*

ЁНҒОҚНИНГ ХОСИЯТИ

Ёнғоқ барглари кўп шифобахш, дардларга жуда фойдалидир. Барглари қайнатилиб суркалса турли хил тери касалликлари даф бўлади. Қайнатмасини ғарғара қилиб, оғиз чайқалса, томоқ оғриғи қолади. Қўллар терлаб, намланса, ёнғоқ барги ёки меваси пўстини қайнатиб, ювиб қўйиш керак, шунда шифо топади. Уйними, омборними чумоли босса, ёнғоқ баргидан ташлаб қўйилса, дарҳол нафи тегади. Асалари уясидан асал олмоқчи бўлган одам ёнғоқ пўсти ёки барги қайнатмасидан баданига суриб олса, арилар асло яқинлашмайди, чақмайди. Ёнғоқ пўстини олиб, оғриган тишга қўйилса оғриқ таққа тўхтайди.

Агар ёнғоқ илдизини ёки пўстини зайтун ёғида қовуриб бавосил, бел оғриғига ишлатилса шифо топади. Ёнғоқ баргини иситиб, суви қулоққа томизилса, қулоқ оғриғига шифо бағишлайди, ичидаги кирларини ташқарига чиқаради. Асал ёки узум ширасига ёнғоқ пўсти аралаштириб тайёрланган шарбат томоқ оғриғига кони фойда, милклардан қон оқишини тўхтатади. Ёнғоқнинг тоза пўстини хина билан қўшиб бошга суркалса, бош оғриғи ва бурундан қон кетиши тўхтайди. Ёнғоқ мағзи овқатни яхши хазм қилдиради. Агар ёнғоқ мағзини анжир билан қўшиб ейилса, асабни мустаҳкам қилади. Айниқса, ёнғоқни майиз ёки хурмо билан истеъмол қилинса, хотирани ва зеҳнни ўткирлаштиради.

Лекин ҳамма нарсанинг меъёри бор, уни оз-оздан еб турилсагина кони фойда ҳисобланади.

Бахриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.

● *Янги нашр*

«ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ»

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари яна бир янги нашр — Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг нашри бўлган «Фуқаро муҳофазаси» — «Гражданская защита» журнали билан бойиди. Истиқлолнинг 9 йиллиги байрами арафасида журналнинг 1-сони 1000 нусхада ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқди.

Янги журнал муқовасида Ўзбекистон байроғини қўтариб турган ФВВ халоскори сурати тасвирланган. Ички муқовада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сурати берилган бўлиб, юртбошимизнинг мамлакатда хавфсизликни таъминлашнинг шарафли, айни пайтда масъулиятли йўли ҳақидаги қимматли фикрлари келтирилган.

Журналнинг масъул муҳаррири Азамат Суюновнинг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Б. Ғосимов билан қилган қизиқарли суҳбати «Осойишта дамлар қадри» сарлавҳаси билан ёритилган бўлиб, бир қатор рангли ва оқ-қора суратлар билан безатилган.

Вазир ўринбосари, полковник А. Саидовнинг «Хавфсизлик ва осойишталик учун» мақоласида бу борада вазирлик бўлинмалари олиб бораётган тезкор ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Президент девони масъул ходими Борий Алихонов ва география фанлари доктори Рустам Раззоқовларнинг «Сув муаммолари» мақоласида мамлакатимиздаги сув ҳавзалари билан боғлиқ муаммолар ҳақида кўпчиликка маълум бўлмаган факт ва далиллар келтирилади.

Қ. Абдуллабеков ва В. Зуфаровларнинг «Зилзиланинг олдини олиш мумкин-ми?» мақоласида сейсмик жиҳатдан бекарор бўлган ҳудудимизда ер силкиниши ҳақида башорат ва уни илмий асослаш масалалари бўйича янгича фикр-мулоҳазалар баён қилинади.

Булардан ташқари журналдан фуқаро муҳофазасига тайёргарлик методикаси, вазирлик бўлинмалари шахсий таркиби билан ишлаш вазифалари, авария-қутқарув ишлари йўл-йўриқлари, Қамчиқ довонида офатнинг олди олинганлиги, вазирликда махсус музей ташкил этилганлиги, халоскорлик хизматининг ўзига хос мураккабликлари тўғрисидаги катта-кичик мақолалар билан танишишингиз мумкин.

Нашрда «Ўзбекистон нажоткори» эсдалик нишони ва илк бор бу нишон билан мукофотланганлар рўйхати берилган.

Журналда «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган.

Бундан ташқари, ушбу сонда таҳририятнинг ўз ўқувчиларига мурожаати ва соҳага оид рангли расм ҳамда диаграммалар билан ҳам танишишингиз мумкин.

«Фуқаро муҳофазаси», «Гражданская защита» журналининг шу кунларда чоп этилиши айни замон талабидир.

Саттор МАҲМУДОВ.

ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ НИМА?

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– У фуқаролик ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқидан келиб чиқиб, бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларнинг айрим турларига киради, мажбуриятлар эса шартнома ва қонунда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

«Фуқаролик кодекси»нинг 732-моддасида қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки бошқа ашёларни мулк қилиб бериши, қарз олувчи эса, олинган нарсани бир йўла ёки бўлиб-бўлиб ўшанча суммадаги пулни ёхуд ашёларни хили, сифати ва миқдорига баравар қайтариб бериш мажбуриятини олишлиги кўрсатилган.

Шартномага асосан қарз берувчи қарз олувчининг эгалигига ёки бошқарувига пул суммасини ёхуд сон, миқдор ўлчовидаги ва ҳоказо мулкни беради.

– Қарз шартномасида нималар кўрсатилади ва унинг иштирокчилари кимлар бўлиши мумкин?

– Шартнома шартига кўра олинган нарса (ашё) қарз берувчига қайтарилиши лозим бўлиб, унинг тартиби ва муддати шартномада кўрсатилади. Агарда қайтариш муддати кўрсатилмаган бўлса, у холда қарз берувчи талаб қилган вақтда қайтаришга мажбур бўлади. Шартнома иштирокчилари эса ҳар қандай муомала лаёқатига эга бўлган жисмоний ва юридик шахслардан иборат бўлишлари мумкин.

Шартномада қарз берувчи ва олувчининг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади. Фуқаролар ўртасида агар қарзга нарса бериладиган бўлса, у холда бу нарса иқтисодий муомаладан чиқарилмаган бўлмоғи, истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлса истеъмол талабларига жавоб берадиган бўлиши керак.

– Шартнома шакли қандай бўлади?

– Аввалги «Фуқаролик кодекси»да қарз шартномаси эллик сўмдан ортиқ суммага тузилган бўлса, янги кодексда бу тартиб бир оз ўзгарди. Чунончи, фуқаролар манфаатларини кўзлаб, оддий ёзма шаклда тузиладиган шартнома суммаси бир мунча кўпайтирилган. «Фуқаролик кодекси»нинг 733-моддасига кўра фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси ойлик энг кам иш ҳақининг ўн баравaридан ортиқ бўлса, ёзма шаклда тузилиши шарт. Тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса, суммадан қатъий назар ёзма шаклда тузилади.

– Ёзма шаклга риоя қилинмаса қандай ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиш мумкин?

– Бу қоидага риоя қилинмаганда, бундай оғзаки шартномалардан келиб чиқадиган низоли ишларни ҳал этишда қарз берувчи бошқа далиллар қатори гувоҳларнинг кўргазмалари билан судда тасдиқлашлари мумкин. Олдинги кодексда бу талабга риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлиши, тарафлар ўртасида низо чиққан тақдирда шартнома тузилганлигини ва уни ижро этилганлигини тасдиқлаш учун гувоҳларни гувоҳликларига асосланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши кўрсатилган эди. Бу билан маҳаллий халқимизнинг кўп йиллик урф-одатлари эътиборга олинмаган. Оқибатда низолар кўпайиб, ҳал этилмаганлиги боис, халқнинг манфаатига маълум даражада зиён етказилишига сабабчи бўлинган.

– Фуқаролар қарз шартномаси тузишда фоизлар олиш ҳуқуқига эгами?

– «Фуқаролик кодекси»нинг 734-моддасига кўра агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бордию, шартномада фоизлар миқдори кўрсатилмаган бўлса, қарз берувчи уни тўлаш тўғрисида талаб қўйишга ҳақли бўлмайди.

Қонунда ёки шартномада қарз учун тегишли фоиз олиш кўрсатилса, у холда фоиз миқдори ва уни бериш тартиби ўз аксини топиши лозим. Бу тартиб бузилган тақдирда асосий қарзни қайтариш фақат шартнома талабидан келиб чиқади.

– Қарз олувчининг қарз суммасини қайтариш мажбуриятичи?

– Энг аввало қарздор ҳақдорга қарз суммасини шартномада кўзда тутилган муддатда ва тартибда қайтариши шарт. Агар қарзнинг қайтариш муддати кўрсатилмаган бўлса қарз ҳақдор талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтарилиши керак. Шунингдек, фоизсиз қарз суммаси муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

Бундан ташқари фоиз эвазига бериладиган қарз замирида қарз берувчининг моддий манфаатдорлиги ётади. Шу билан у берган қарздан имкони борича кўпроқ фойда олишга қизиқади. Бироқ қарз олувчи олган қарзининг фоизи кўпаймаслиги учун тезроқ қутилиш чораларини излайди. Борди-ю, қарздорнинг фоиз эвазига олган қарзини шартномада белгиланган муддатдан олдин қайтариш имконияти бўлса, бунда шартномада кўрсатилган ёки қарз берувчининг розилиги талаб этилади. Чунки, бу ерда ҳақдорнинг мўлжалдаги даромадни ололмаслиги эътиборга олинган.

Қарз олувчи ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёхуд шартномада кўрсатилганидан кам миқдорда олганлигини исбот қилса шартнома юзасидан даъволашишга ҳақли.

– Шартнома қаерда тасдиқланади ва ундан давлат божи ундириладими?

– У тарафларнинг танловига кўра ҳар қандай нотариал идорада тасдиқланиши мумкин. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарорга асосан шартнома суммасининг беш фоизи миқдорида, лекин энг кам иш ҳақининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда давлат божи тўлатилади.

Жавобларни Б. ХАМИДОВ тайёрлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 5 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:

Бунда 1 АҚШ доллари 291 сўм 83 тийин қилиб белгиланди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҚУТЛАЙМИЗ!

Азиз ва меҳрибон Сунноатиллахўжа дада ва Жамилахон ая!

Сизларни турмуш қурганларингизга чорак аср тўлиши — кумуш тўйларингиз муносабати билан табриклаб, Сизларга бахт-саодат тилаймиз. Бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлинглар!

Таъзим ила фарзандларингиз: Ойбекхўжа, Шахнозахон, Набирахон ва Баҳромжон.

● *Йилнинг машҳур кишилари*

ЗИДАН – ЗИНАПОЯ ЧЎҚҚИСИДА

Парижда нашр этиладиган «Журнал дю Диманш» газетаси ҳар йили ўз ўқувчиларининг фикрлари асосида мамлакатдаги энг машҳур кишиларнинг рўйхатини эълон қилади. Аввалги йилларда бу нуфузли рўйхатдан Франция шуҳратини жаҳонга ёйган атоқли денгиз тадқиқотчиси Жак-Ив Кусто, аббат (руҳоний) Пьер, қўшиқчилар Патриция Каас ва Жонни Холидей, кино артистлари Жан-Поль Бельмондо, Катрин Денёв ҳамда Жерар Депардьё ва бошқалар кўп марталаб ўрин эгаллаганлар. Бу йил эса мамлакат энг машҳур кишилари рўйхатининг биринчи каторига атоқли футбол юлдузи Зинадин Зидан кўтарилди.

Зинадин — жазоирлик, демак у мусулмон. Унинг ота-онаси бир вақтлар Жазоирдан Франциянинг денгиз ёқасида жойлашган Марсел шаҳрига кўчиб келганлар. Ҳаддан ташқари содда ва уятчан Зинадин шу ерда, ишчилар шаҳарчаси четида маҳаллий болалар билан бирга тўп тепиб катта бўлди. Йиллар ўтгач йигит бу жабҳада ҳамма ҳавас қилгулик уста бўлиб етишди ва кўпдан-кўп мусобақаларда Франция шарафини ҳимоя қила бошлади. 26 ёшли Зинадиннинг юлдузи бундан икки йил муқаддам Францияда бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида ярқ этиб чақнади. У ўз шериклари билан биргаликда сайёрамиз чемпиони бўлди. Шу йил Голландия ва Бельгияда ўтказилган Европа чемпионатида эса у ўзининг аввалги муваффақияти бежиз эмаслигини яна бир бор тасдиқлади; Франция терма командасининг асосий ўйинларида ҳал қилувчи тўпларни киритди. Зиданнинг жамоаси Европа чемпионатида ҳам голиблик шохсупасига кўтарилди. Французлар манманлик нималигини билмайдиган, ўта камсуқум, камтарин бу йигитга машҳурлик тожини кийдирганликларининг сабаби мана шундан.

Яна бир нарсани ҳам айтиб ўтмоқ жоизидир. «Йилнинг энг машҳур кишилари» орасида сиёсатчилар ҳам кўзга ташланиб қолади. Франциянинг ҳозирги Президенти Жак Ширак мазкур рўйхатда 22-каторни эгаллаб турибди... «Халқ эътиборини қозонмоқ учун сиёсатчилар ҳам футбол билан шуғулланса ёмон бўлмас эди» дея ҳазил қилишмоқда журналистлар...

«Туркистон-пресс».

«Адолат» газетасининг навбатдаги сони 2000 йил 22 сентябрда чиқади.

АДОЛАТ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ, Акбархўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНҲОНОВ, Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Саъдиддин САЙДИСЛОМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 837, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босмага топшириш вақти—20.00. Босмага топширилди 20.00.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.